

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛ-ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИ**

*Қўлёзма ҳуқуқида*

**УДК: 656.13.072.004.15**

**ТОХТАСИНОВА ФИРУЗА АЛЕКСАНДРОВНА**

**Шаҳар жамоат транспорти фаолиятини бошқаришда инновацион  
менежментни қўллаш имкониятлари**

**5A230201 – Менежмент**

**Магистр**

**академик даражасини олиш учун ёзилган  
диссертация**

**Илмий раҳбар:**

**и.ф.н. Қодиров Т.У.**

**Тошкент - 2013**

# МУНДАРИЖА

## КИРИШ.....

### **1-БОБ. Корхона фаолиятини инновацион ривожланиш асосида ташкил этиш ва бошқаришнинг назарий асослари.....**

1.1. Инновацион салоҳият корхонанинг ривожланиш омили сифатида

1.2. Инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ташкилий ва меъёрий-ҳуқуқий асослари.....

1.3. Шаҳар жамоат транспортини инновацион ривожлантиришнинг хориж тажрибаси.....

### **2-БОБ. Шаҳар жамоат транспорти фаолиятининг таҳлили ва унда инновацион менежментни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари.....**

2.1. Тошкент шаҳар жамоат транспорти фаолиятининг таҳлили ва ривожланиши истиқболларини баҳолаш.....

2.2. Шаҳар йўловчи транспорти фаолиятини инновацион бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари.....

2.3. Автотранспорт корхоналарида инновацион бошқарув ва унинг муҳтига таъсир этувчи омилларни тизимлаштириш.....  
Боб бўйича хулосалар.....

### **3-БОБ. Автотранспорт корхонасида инновацион бошқарувни такомиллаштириш ва унинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.....**

3.1. Инновацион фаолият бошқарувини такомиллаштиришга услубий ёндашув.....

3.2. Автотранспорт корхонасида инновацион бошқарув фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.....  
Боб бўйича хулосалар.....

Хулоса .....

Фойдаланилган адабиётлар

Иловалар

## КИРИШ

Ривожланишининг ҳозирги босқичи иқтисодий жараёнларни бошқаришда янгича ёндашувларни амалга ошириш, макро ва микро даражада самарали бошқарув сиёсатни юритиш ҳамда иқтисодиёт тармоқларида унинг замонавий механизмларини тадбиқ этиб бориш заруриятини келтириб чиқармоқда. Шунинг учун ҳам, бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодий сиёсатида «фаолият кўрсатаётган корхоналарни жадал модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашни таъминлаш, юксак инновацион технологиялар асосида ишлайдиган ...янги ва замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этишга устувор аҳамият берилмоқда» [15].

Иқтисодиёт тармоқларида молиявий-хўжалик фаолиятининг барқарорлик даражаси турлича бўлганлиги учун уларда кечувчи бошқарув жараёнларнинг амал қилиш механизмлари ҳам турлича бўлади. Шунинг учун ҳар бир тармоқнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб бошқарувнинг самарали механизмларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Бундай тармоқлардан бири транспорт тизими бўлиб, унинг ривожланиши иқтисодиётнинг бошқа тармоқ ва соҳаларидаги хўжалик субъектлари билан иқтисодий ҳамкорлик алоқаларининг йўлга қўйилиши, янги тармоқларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига замин яратади. Бунда автомобиль транспорти етакчи ўринни эгаллайди.

Автомобиль транспорти тизимининг миллий иқтисодиётдаги аҳамиятини англаб етган ҳукуматимиз ушбу тармоқнинг ривожланиши учун мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ зарурий чора-тадбирларни ишлаб чиқди. Энг аввало, Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августдаги 278-1 – сон “Шаҳар йўловчилар транспортдан бепул фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелдаги 419-I – сон «Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги 674-II – сон “Автомобиль транспорти тўғрисида”ги каби Ўзбекистон Республикасида автомобиль ва дарё транспортида йўловчилар ва

юк ташишни тартибга солувчи қонуний ва норматив-ҳуқуқий қонунлар қабул қилинди[1,2].

Шаҳар жамоа транспорти ҳар қандай шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини ривожлантиришда зарур восита бўлиб хизмат қилади. Аҳоли сонининг ўсиши, урбанизация суръатларининг тезлашгани шаҳарларда транспортга, жумладан янги транспорт турларига талабнинг ошишига олиб келмоқда. Шаҳар жамоа транспорти ривожини умумий ривожланишдан орқада қолганда жамият ривожига тўсқинлик қилади ва транспорт воситалари тараққиёти суръатларини жадаллаштириш заруриятини вужудга келтиради. Шаҳар жамоа транспортининг ривожланиш даражаси шаҳар аҳолисининг бу хизмат турига бўлган талаб даражасидан орқада қолмоқда. Бунинг асосий сабаблари шаҳар аҳолисининг ўсиши, урбанизация жараёнининг тезлашиши, ШЖТ фаолиятининг ўз-ўзини маблағ билан тўла қоплай олмаслиги, моддий-техник таъминотдаги узилишлар ва камчиликлар, шунинг билан бирга бошқа ноиқтисодий муаммоларнинг мавжудлиги янада кескинроқ сезилмоқда.

Бугунги кунда шаҳар транспорти олдидаги асосий муаммо шундан иборатки, жамоат транспорти хизматларига бўлган талаб тақлифдан анча юқори ва хусусий ташувчиларнинг фаол иштирокига қарамасдан, ушбу соҳа аҳоли эҳтиёжларини қондиришда нисбатан самарасиз бўлиб қолмоқда.

Йўловчи ташиш тизимида хизмат кўрсатишни янада такомиллаштириш, барча мулкчилик шаклидаги йўловчи ташувчилар ўртасида ошқора рақобат учун қулай шароит яратиш, кўрсатилаётган хизматларнинг сифат стандартларига мос бўлиши ва йўналишларда ҳаракат жадвалларига риоя этиш даражасини ошириш, йўловчи транспорти ходимлари моддий манфаатдорлигини кучайтириш, ноишлаб чиқариш ва маъмурий-бошқарув харажатларини камайтириш мақсадида 2006 йил 11 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрида йўловчи транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» ги № ПФ - 3713 сонли фармони, бундан ташқари ишлаб чиқариш, транспорт ва муҳандислик - коммуникация инфратузилмаси тармоқларининг республика иқтисодиёти

тармоқлари ва ҳудудларини истиқболда ривожлантириш борасида амалга оширилаётган дастурлар билан узвий боғлиқ ҳолда илдам ривожланишини таъминлаш ҳамда бунинг негизида янги иш жойларини яратиш, аҳолининг бандлиги ва турмуш даражаси узлуксиз ўсиб боришини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 21 декабрда «2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-1446-сонли қарори қабул қилинди[11,5].

Сўнгги йилларда Тошкент шаҳри аҳолисига транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Автобус саройлари изчил янгиланмоқда, сервис хизматлари тармоғи ташкил этилиб, ташиш хавфсизлигини ошириши имконини бермоқда. Шаҳар йўловчи транспортининг янги, мунтазам йўналишлари очилди, хусусий йўловчи ташувчилар кўрсатаётган хизматлар ҳажмини ошириш имконини берадиган қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий база яратилди.

Иқтисодийнинг инновацион ривожланишини талаб этувчи бугунги шароитда шаҳар жамоат транспортида ўзини-ўзи ташкил этиш, транспорт-логистика хизматлари кўрсатиш ҳажми, турлари ва сифатини оширишни умумиқтисодий манфаатлар билан уйғунлаштирган ҳолда амалга ошириш мураккаб илмий-амалий масалалардан ҳисобланади ва бу тадқиқот ишининг долзарблигидан далолат беради.

Юқоридаги муаммоларнинг айрим назарий ва амалий жиҳатлари етарли даражада ўрганилмаганлиги тадқиқот йўналишини танлашда асос бўлиб, шаҳар йўловчи транспортини инновацион бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмларни назарий, услубий асосларини янгича ёндошув асосида тадқиқ этиш тақозо этилади.

Тадқиқот объекти бўлиб Тошкент шаҳар йўловчи транспорти тизимида фаолият юритаётган хўжалик субъектларини «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети. Тадқиқотнинг предмети бўлиб Тошкент шаҳри йўловчи ташиш транспорти тизимини бошқариш билан боғлиқ ташкилий-иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади. Шаҳар жамоат транспорти фаолиятини бошқаришда инновацион менежментни самарали қўллаш бўйича илмий асосланган таклифлар ва уни амалиётга татбиқ этиш борасида тавсиялар беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Тадқиқот мақсадига эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланиб олинди;

- корхона фаолиятини инновацион ривожланиш асосида ташкил этиш ва бошқаришнинг назарий асосларини ўрганиш;
- шаҳар йўловчи транспорти фаолиятини тартибга солиш ва бошқаришнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини тадқиқ этиш;
- инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тадқиқ этиш;
- шаҳар йўловчи транспортида инновацион фаолиятни бошқариш борасида илғор хориж тажрибасини ва уни миллий транспорт операторлари фаолиятида қўллаш имкониятларини ўрганиш;
- Тошкент шаҳар жамоат транспорти фаолиятининг таҳлили ва ривожланиши истиқболларини баҳолаш;
- шаҳар йўловчи транспорти фаолиятини инновацион бошқаришнинг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш;
- автотранспорт корхоналарида инновацион бошқарув ва унинг муҳтига таъсир этувчи омилларни тизимлаштириш;
- инновацион фаолият бошқарувини такомиллаштиришга услубий ёндашиш;
- автотранспорт корхонасида инновацион бошқарув фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили. Стратегик менежментда инновацион фаолиятни бошқаришнинг илмий асослари таниқли хориж

олимларидан Р.Дафт[26], Ф.Котлер[31], П.Ф.Друкер[24] ва И.Ансоффларнинг[18] асарларида тадқиқ этилган.

Инновацияларнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва самарадорлиги МДХ олимларидан В.А.Бородин[19], В.Г.Медынский[37], Л.Г.Шаршукова[55], Р.Г.Молодцовар[38], Р.А.Фатхутдинов[50], А.В.Бусыгин[20], Н.Л.Маренков[35], Э.И.Крылов, В.М. Власова, И.В.Журавкова[32], М.Хучек[53], В.В.Морозов[40], Г.Бирман[21] ҳамда инновация ва инновацион инвестициялаштиришнинг айрим жиҳатлари маҳаллий олимларидан А.В.Вахабов, Ш.Х.Хажибакиев, Н.Г.Муминов[22], С.С.Ғуломов[54], М.Ҳ.Саидов[48], Б.Самарходжаев[46], Т.Джабборов, Ю.Т.Додобоев, С.Н.Усмонов[25], А.Қодиров, А.М.Турсунов[30], М.А.Махкамова[36], Ж.П. Нарзиев[42] ва бошқаларнинг илмий ишларида ўрганилган.

Ўзбекистонда автомобил транспорти тизимининг мамлакат иқтисодиёти ривожланишидаги ўрнини баҳолаш, унинг фаолияти самарадорлигини ошириш масалалари бўйича изланишларни амалга оширган мамлакатимиз олимларидан М.А.Икрамов[27], Ғ.М.Қосимов[28], Ғ.А.Саматов[31], М.Н.Ирисбекова[44], Б.А.Ходжаев[52] ва бошқаларни киритиш мумкин.

Бирок, йўловчи транспорти бошқарувида инновацион менежмент воситаларини қўллашнинг илмий-амалий масалалари, хусусан ўтиш даврида инновациялар, уларни молиялаштириш манбалари, самарадорлиги билан боғлиқ комплекс масалалар ўзаро боғлиқ ҳолда етарли даражада ўрганилмаган.

Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи. Тадқиқот давомида илмий абстракция, тизимли таҳлил, иқтисодий-математик моделлаштириш, эксперт баҳолаш, монографик ўрганиш ва бошқа услублардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- шаҳар жамоат транспортида инновацион бошқарувнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилди;
- автотранспорт корхонаси инновацион бошқарув стратегиясига таъсир этувчи омиллар тизимлаштирилди;

- инновацион бошқарув самарадорлигини баҳолаш услуги такмиллаштирилди;
- автотранспорт корхоналари фаолиятини бошқаришда инновацион менежментни қўллаш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Диссертация таркибининг қисқача тавсифи. Диссертация иши унинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалар, 20 та расм, 2 та диаграмма, 1 та чизма ва 14 та жадваллардан иборат. Тадқиқот ишининг матни \_\_\_\_ бетни ташкил этади.

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг объекти ва предмети, мақсад ва вазифалари аниқланган, ишнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти ифода этилган.

Диссертациянинг «Корхона фаолиятини инновацион ривожланиш асосида ташкил этиш ва бошқаришнинг назарий асослари» номли биринчи бобида инновацион салоҳият корхона ривожланишнинг омили сифатида тадқиқ этилган, республикамізда инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари ўрганилган, шаҳар жамоат транспортини инновацион ривожлантиришнинг хориж тажрибаси ва уни миллий транспорт тизимида қўллаш имкониятлари тадқиқ этилган.

Тадқиқотнинг «Шаҳар жамоат транспорти фаолиятида инновацион менежментни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари» деб номланган иккинчи бобида “Тошшаҳартрансхизмат” уюшмаси бошқарув фаолияти, Тошкент шаҳрида жамоа транспорти фаолиятини бошқаришнинг замонавий ҳолати таҳлил қилинган, шаҳар жамоат транспортида инновацион бошқарувнинг ўзига хос хусусиятлари очиқ берилган.

“Инновацион бошқарув стратегияларини шакллантириш –иқтисодий ривожланиш омили сифатида” номли учинчи боб инновацион бошқарув стратегиясига таъсир этувчи омилларни баҳолаш, инновацион бошқарув самарадорлигини баҳолаш услуги таъсирини таъминлаштириш ҳамда автотранспорт

корхоналари фаолиятда инновацион менежментни қўллашнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашга бағишланган.

Хулоса қисмида тадқиқот натижалари асосий хулосалар ва илмий-амалий тавсиялар тарзида умумлаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот давомида олинган натижалар, умумий хулосалар ва тавсиялардан шаҳар жамоат транспорти корхоналари иқтисодий ҳолатини мустаҳкамлаш стратегиясини ишлаб чиқиш, бошқарув ресурсларидан самарали ва мақсадли фойдаланиш, мутасадди ташкилотларнинг дастурий ва ташкилий фаолиятини йўлга қўйишда фойдаланилиши мумкин. Шунингдек диссертация ишининг асосий ғоялари ва материалларидан тармоқ иқтисоди муаммоларига оид илмий изланишларни олиб боришда, транспорт тизимида кадрларни ўқитиш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

## **I боб. Корхона фаолиятини инновацион ривожланиш асосида ташкил этиш ва бошқаришнинг назарий асослари**

### **1.1. Инновацион салоҳият корхонанинг ривожланиш омили сифатида**

Республикамизда амалга оширилаётган кенг қамровли ижтимоий-иқтисодий ислохотлар бугунги кунда хўжалик субъектлари томонидан бошқарув тизимини замонавий механизмлар асосида такомиллаштиришни талаб этади. Бу эса, бир томондан хўжалик фаолиятини демократлаштириш ва бошқарувнинг барча бўғинларида бозор муносабатларининг тамойилларига асосланган хўжалик юритишнинг янги замонавий усулларига секин-аста ўтиш зарурияти билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан иқтисодий усуллар ёрдамида бутун хўжалик муносабатлари тизимини бозор шарт-шароитларига мос равишда давлат томонидан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш билан асосланади.

Бозор муносабатлари шароитида, долзарб муаммоли масалаларни, рўй берадиган ўзгаришлар ва юзага келиши мумкин бўладиган имкониятларни олдиндан кўра олиш, хўжалик сиёсати ва стратегиясини ишлаб чиқиш ва ушбу ўзгаришларга янгича услуб, янгича техника - технология орқали бошқариш давр талабидир. Айнан шу “янгилик” атамаси бугунги кунда “инновация”, “инновацион фаолият” деб аталади.

Инновацион фаолият тушунчасининг асосини “инновация” сўзи характерлайди. Шунини таъкидлаш керакки, бу тушунчага ўзбек, рус ва хориж адабиётларида ҳам юзлаб таърифлар берилган.

Бир гуруҳ хорижлик олимлар (И. Перлаки, И. Шумпетер[56] ва бошқалар) бу тушунчани ўз тадқиқотларининг объекти ва предметида келиб чиқиб турлича талқин қилганларлар.


Масалан, Я.Кук ва П.Майерслар[47] «инновация — ғоянинг пайдо бўлишидан унинг тайёр маҳсулотга айланиб, бозор истеъмолига чиққунга қадар бўлган бутун жараён» деб таъриф беришган.

М.Додгсоннинг таъкидлашича эса «инновация – бу ўзига илмий, технологик, ташкилий ва молиявий фаолиятни мужассам этган ҳолда тижоратга янги (ёки такомиллашган) маҳсулот, ёки янги (ёки такомиллашган) ишлаб чиқариш жараёнини, ёки янги (ёки такомиллашган) усқунани таклиф этишдир»[23].

Р.А Фатхутдинов. ўзининг “Инновацион менеджмент” китобида инновацияга қуйидагича таъриф берган; “Инновация ишлаб чиқаришнинг молиявий, маъмурий, тижоратга хос ташкилий-техник ва ижтимоий- иқтисодий ечимлари, янгиликни янги технология кўринишидаги ва маҳсулот ҳамда хизмат кўринишидаги даромад ҳисобланади[50].

Месси Д., Квинтас П. ва Уилд Д. «инновация» атамасига 2 хил ёндашишган. Биринчи ёндашувда, илк маротаба фойдаланилган янги маҳсулот, жараён ва тизим деб таъриф беришса, иккинчи ёндашувда эса тадқиқот, лойиҳалаш, ишланма ва корхона фаолиятининг янги маҳсулот ва янги тизимга эришиш жараёни сифатида қарашган. Бу сўнгги ёндашувни «инновацион жараён» атамаси билан ҳам аташади[39].

Инновацияларнинг бу ҳар хил таърифларининг таҳлили шундай хулосага олиб келадики, ўзгаришлар инновацияларнинг ўзига хос мазмунини ташкил қиладилар, уларнинг вазифаси эса инновацион фаолиятнинг асосий вазифаси бўлади. Австриялик олим Й. Шумпетер 1911 йилда ўзгаришларни бешта турга ажратган: (1.1-расм)



**1.1-расм. Корхонада ўзгаришларнинг асосий кўринишлари**

Й. Шумпетер кейинроқ, 30 – йилларда инновация тушунчасини, уни истеъмол товарларининг янги турлари, янги ишлаб чиқариш ва техник воситалар, бозорлар ташкил шакллари саноатга тадбиқ этиш ва уларда фойдаланиш мақсадидаги ўзгариш сифатида талқин этган ҳолда киритган. Баъзида инновацияга жараёнли тизим сифатида қаралади, шунинг билан янгилик киритишни вақтда ривожланиши ва яққол акс эттирилган босқичлилиги тан олинади[56].


М.Саидовнинг фикрича, инновация, аввало, иқтисодий ривожлантиришга қўйилмаларнинг самаралилиги билан тавсифланади, ишлаб чиқаришда мавжуд бўлган олдинги авлод техникаси ва технологиясини анча самарали, экологик соф ва ресурсларни тежашга имкон берувчи ишлаб чиқариш воситалари билан алмаштиришни ифодалайди. Инновацион фаолият (янгиликларни жорий этиш) ишлаб чиқариш янги технологиялари негизида рақобатбардош маҳсулот (товар) турларини яратиш жараёни. Бу жараён ғоянинг пайдо бўлиши, унинг мақсадини аниқлаш ва амалга оширишдан то ишлаб чиқаришни ташкил этиш, маҳсулот ишлаб чиқариш, уни сотиш ва иқтисодий самара олишгача бўлган ишларни ўз ичига олади[48].

Бир гуруҳ Ўзбекистонлик иқтисодчи олимларнинг хулосасига кўра, инновация янгиликларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, янги технологиянинг биринчи марта тижорат асосида қўлланилиши. Интенсив иқтисодий ўсиш ресурсларидан янада самарали фойдаланишга асосланган иқтисодий ўсиш. Унинг етакчи омили фан ва техника тараққиётининг охириги талабларига жавоб берадиган дастгоҳ, янги технологиялар билан ишлаб чиқаришни қайта жиҳозлаш билан ёки мақсадга ишлаб чиқариш майдонини кенгайтириш ҳисобига эмас, балки унда қўлланиладиган ресурсларни сифатини ошириш орқали эришилмоқда[49].

Бизнинг фикримизча, инновация ютуқларининг иқтисодий натижалари ишлаб чиқариш жараёнида моддий ресурсларни, маҳсулот бирлигига сарфланадиган жонли ва буюмлашган меҳнатни тежашни, киши бошига меҳнат унумдорлигининг ошиб боришини, атроф-муҳитнинг экологик жиҳатдан

ифлосланиш даражасини камайтиришни таъминлашда, ишлаб чиқариш, ижтимоий соҳада банд бўлганларнинг иш ҳақи ва даромадларининг ўсиб бориши, кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш даражасини ошириб бориши ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожланиб боришида ифодаланади.

Яъни инновациялар, техника ва технологиялар тараққиёти ҳамда ўсиб бораётган эҳтиёжлар натижасидир.



**1.2.-расм. Умумий инновация модели**

Ҳар бир фаолият асосида албатта мақсадлар бўлиши керак. Маҳсулотни янгилаш ёки яхшилаш, янги технологиялар жорий этиб харажатларни камайтириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, қўшимча фойда олиш инновацион фаолиятнинг мақсадидир. Инновацияларнинг асосий мақсади маълум фойда олиш экан, иккала таъсир этувчи босимда ноаниқлик даражаси юқори бўлганлиги учун инновациялар ҳар доим ҳам муваффақиятли бўлмайди.

Шунинг учун корхоналарда инновацион фаолият олиб бориш, бир томондан раҳбарнинг инновацияларга интилишига (бунга мисол Джек Уэлч – «General Electric», Акио Морита – «Sony», Билл Гейтс – «Microsoft»), иккинчи томондан эса корхонанинг юқори самарали маркетинг ва сотув хизматига боғлиқдир.

Янгиликни яратиш, кенг тарқатиш ва атроф-муҳитга жорий этиш масалалари ҳал этилиши инновацион жараёнлардир.

Иқтисодий адабиётлардан маълумки замонавий ишлаб чиқариш корхоналари бошқарувига оид 2 тур инновацияларни ажратиш мумкин.

1. Техник ва технологик инновациялар. Янги маҳсулот яратиш ва ишлаб чиқариш билан боғлиқдир, асосий ўзгариш объекти - моддий нарсалар, технологик қурилмалар ва ишлов усуллари ҳисобланади.

2. Бошқарув инновациялари. Инновация жараёнида ўзгариш объекти бўлиб ходим, бошқариш объекти ва субъектлар муносабатлари киради.

Шу жумладан, технологик инновациялар янгилик даражаси бўйича - яхшилаш ва тубдан, ишлатилиш жойи ва натижаси бўйича қуйидагиларга ажратилади (1.1-жадвал).

1.1- жадвал

### Технологик инновациялар

| Тури                          | Янгилик даражаси                                                                                                                              |                                                                                                           | Ишлатилиши                |                         |
|-------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------|-------------------------|
|                               | Тубдан                                                                                                                                        | Яхшилаш                                                                                                   | Натижа                    | Жойи                    |
| Маҳсулот инновацияси          | Ишлаб чиқариладиган маҳсулотдан кучли фарқ қилади.<br><br>Янгиликни ишлатиш йўли билан ёки маълум технологияларни янгича ишлатишда            | Маҳсулотни сифат ёки нарх кўрсаткичларини яхшиланади. Янги техник воситалар ишлатиш йўли билан эришилади. | Янги инновацион маҳсулот  | Бозорда                 |
| Жараён (технологик) инновация | Янгича ишлаб чиқариш усуллари, технологик ўзгаришлар ва натижада ишлаб чиқариш самарадорлигини ўсиши, ёки янги маҳсулот яратишга замин яратиш | Мавжуд ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаш-Тириш                                                    | Бошқа инновацион маҳсулот | Ишлаб чиқариш жараёнида |

Албатта, инновацион фаолият корхонанинг барча даражаларида ҳар хил самарадорлик билан олиб борилади, яъни ўзгаришлар самарадорлигидан анча фарқ қилиши мумкин (1.2-жадвал).

## Корхонада инновацион фаолият турлари

| Фаолият тури                    | Даражаси                            | Янгилаш негизи                              | Самарадор-лиги | Муддати                         |
|---------------------------------|-------------------------------------|---------------------------------------------|----------------|---------------------------------|
| Стратегик янгилаш фаолияти      | Компания, давлат бошқарув органлари | Янги маҳсулот, янги ишлаб чиқариш жиҳозлари | 50% дан ортиқ  | Узоқ муддатли - 3 ойдан ортиқ   |
| Ишлаб чиқаришни яхшилаш         | Завод раҳбарияти                    | Жараёнлар, жиҳозлар, ресурслар оқими        | 20~40%         | Ўрта муддатли- 2 ҳафтадан ортиқ |
| Яхшилаш бўйича кундалик фаолият | Бўлим, цехлар                       | Жараёнлар, жиҳозлар                         | 5~20%          | Қисқа муддатли 2-5 кун          |

Қабул қилинаётган инновацион бошқарув қарорлар ва фаолият турлари ўз мазмуни бўйича менежернинг поғона даражасига боғлиқдир (1.3-жадвал).

## Инновацион бошқарув қарорлари турлари

| Корхона бошқарув даражаси                                    | Бошқарув қарорлар ва фаолият турлари |          |             |
|--------------------------------------------------------------|--------------------------------------|----------|-------------|
|                                                              | Стратегик                            | Оператив | Топшириқлар |
| Юқори: компания раҳбари, унинг ўринбосарлари                 | +                                    | +        | +           |
| Ўрта: бўлим ва бўлинмалар раҳбарлари                         | -                                    | +        | +           |
| Паст: ишлаб чиқариш участкалари, ижодкор гуруҳлар раҳбарлари | -                                    | -        | +           |

Бирлашма даражасида. Бозор эҳтиёжларини баҳолаш, янги маҳсулотни яратиш стратегик масалалари, ресурсларни ажратиш, ишларни устуворлигини белгилаш компаниянинг юқори раҳбарияти томонидан ҳал этилиши керак.

Бу даражада қабул қилинадиган қарорлар таъсирида корхонанинг товар-маҳсулоти сиёсатида тубдан бурилиш яратади, компаниянинг мўлжаллари ва имиджи ўзгариши мумкин. Компанияда қабул қилинадиган инновацион қарорларда тубдан ўзгариш бўлиши ва умуман бизнес соҳасини ўзгартиришига олиб бориши мумкин.

Корхона даражасида инновацион фаолият – бу ишлаб чиқариш ва бошқарувини жараёнларини такомиллаштиришдир. Корхона даражасида ҳам товар маҳсулот кўрсаткичлари яхшиланиши мумкин, аммо асосий эътибор ишлаб чиқариш технологиялари, жиҳозлар ва ускуналарни мунтазам яхшиланиб бориши, ресурслар оқимини оптималлаштиришга қаратилади. Бу эса янги технологик жиҳозлар ва ускуналар сотиб олиш, ўз кучи билан технологик жиҳозларнинг такомиллаштиришни талаб этади.

Цех ва бўлим даражасида инновацион фаолият энг оммавийдир. Сифат тўғараклари, ижодкор гуруҳлар ҳамда рационализаторлик усулида олиб бориладиган инновацион фаолият энг тез натижа кўрсатади, корхона умумий самарадорлигига катта таъсир ўтказиши мумкин.

Масалан, япон иқтисодий мўъжизаси асосида ҳам «кайзен» – оммавий ижодкорлик ва майда, катта харажат талаб қилмайдиган яхшилаш фаолиятидир.

Инновацион фаолиятнинг асосий шакли бўлган рационализаторлик ва «сифат тўғараклари» фаолияти қуйидаги асосий йўналишлар бўйича олиб борилади:

- маҳсулот сифатини яхшилаш,
- маҳсулот таннархини пасайтириш,
- меҳнат хавфсизлигини яхшилаш,
- ишлаб чиқариш маданиятини ошириш ва бошқалар.


Корхоналар замонавий технологияларга муҳтож, аммо янги технологияларни олиб келиш ўз-ўзидан бўладиган, осон иш эмас, улар катта харажатлар билан бирга янги билим ва бошқарувда бир қатор сезиларли ўзгаришларни ҳам талаб этади.

Тадқиқотчилар фикрича, МДХ давлатларининг корхоналари бошқарувида қуйидаги ўзгаришлар кузатилган (1.4-жадвал).

Корхона бошқаруви асосий элементлари ўзгариши

| Бошқарув тизими<br>элементи | 1992 йилгача              | 1992-1996 й               | 1997 йилдан бошлаб         |
|-----------------------------|---------------------------|---------------------------|----------------------------|
| Бошқарув<br>функциялари     | Ортиқча                   | Ўзгарувчан                | Элементар динамика         |
| Ташкилий тизим              | Турғунлик                 | Ўзгаришлар                | Элементар динамика         |
| Бошқарув<br>технологиялари  | Максимал<br>регламентация | Ўзгаришлар                | Керакли регламентация      |
| Ходимлар                    | Ортиқча                   | Қисқариш                  | Динамик ўзгаришлар         |
| Бошқарув техникаси          | Гуруҳда<br>фойдаланиш     | Локал шахсий-<br>лаштириш | Тармоқ шахсий-<br>лаштириш |

Иқтисодиёт ва жамиятдаги ўзгаришлар туфайли корхоналар, тубдан ўзгарган шароитда фаолият олиб бормоқда ва корхоналар бошқаруви ҳам табиий ҳолда катта ўзгаришларга дуч келган, жадвалда келтирилганлар шунини исботламоқда. Ҳозирга келиб корхоналар бошқаруви ривожланишида мавжуд ҳолат график шаклида қуйидаги 1.1-чизмада келтирилган[34].



**1.1-чизма. Корхона ва ташкилотлар бошқарувини такомиллаштириш ҳолатининг график ифодаси**

Ушбу 1.1-чизмада А эгри чизигини  $t_1$  вақтидан (шартли равишда бозор иқтисодиётига ўтиш ислохотларини бошланишига тўғри келади деб қабул қилинган) бошлаб ўз юқори ривожланиш нуқтасига етди ва бошқарув тизимини такомиллаштириш тизим самарадорлигини ўсишига олиб келмайди. Демак,

ташқи омиллар таъсирида ўзгарадиган ва атроф-муҳитнинг динамик ўзгаришларига мослашадиган замонавий бошқарув технологияси яратилиши керак.

А – фойдаланилган менежмент технологиялари;

Б – замонавий талабларга жавоб берадиган бошқарув технологиялари;

С – бошқарув тизими самарадорлик чизиғи

Бу технология чизмада Б чизиғи сифатида келтирилган;  $t_2$  – мавжуд бошқарув тизимининг тубдан ўзгартириш вақти.

$t_1 - t_2$  – бу корхона бошқарувининг ўзгартиришга кетадиган давр.

Албатта,  $t_2$  вақти белгилаш шартлидир, аммо фикримизча, муваффақиятга эришаман деган корхоналаримиз учун бу вақт етиб келди. Фақат замонавий талабларга жавоб берадиган бошқарув тизими корхона рақобатбардошлигини таъминлаб, узоқ муддатли ривожланиш ва муваффақият гарови бўлиши мумкин. Шу тариқа инновацион фаолиятни тубдан кучайтириш корхоналарнинг тўла рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим омили сифатида қабул қилиниши лозим.

## **1.2. Инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб –қувватлашнинг ташкилий ва меъёрий-ҳуқуқий асослари**

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида инновацион иқтисодиётни шакллантириш, инновацион фаолиятнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, илм-фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялаштириш механизмини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилиб, махсус муассаса ва ташкилотларда илмий тадқиқот ва конструкторлик ишларини давлат томонидан мақсадли қўллаб-қувватлаш тизими яратилмоқда.

Давлат инновацион сиёсатининг мақсади мамлакатнинг миллий инновацион тизимини шакллантириш, танлаб олинган ривожланиш стратегиясига мувофиқ унинг иқтисодий ривожланишини таъминловчи аниқ тадбир ва механизмлар яратиш, устуворликлар тизимини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан иборатдир. Бу сиёсат доирасида динамик ривожланаётган

бозор иқтисодиётига мос келувчи, мамлакатнинг ресурслар имконияти ва барқарор ривожланиш стратегияси талабларига жавоб берувчи илмий, фан-техника ва технологик салоҳиятни шакллантириш муҳим роль ўйнайди.

Янги иқтисодий шароитларда қайси тармоқ ва технологиялар иқтисодий ўсишга замин бўлиши ҳақида давлат қарорларининг қабул қилиниши ўта муҳим ҳисобланади. Шу сабабдан мамлакатимизда илмий-амалий тадқиқотлар ва инновацион ишланмалар ривожлантирилиши ҳамда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш жараёнларига татбиқ этишни рағбатлантиришнинг ҳуқуқий-меърий асосларини яратиш буйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда, жумладан:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 августдаги ПҚ-436-сонли “Фан ва технологиялар ривожланишининг мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори[7];
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июльдаги ПҚ-916-сонли “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарори[8];
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 20 майдаги 144-сонли “Инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди [9].

Президентимиз томонидан 2006 йил 7 августдаги ПҚ-436-сонли «Фан ва технологиялар ривожланишининг мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни қабул қилиниши Республикаimizда инновация илмий-техника дастурлари фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишлари асосида янги технологияларни амалиётда кенг қўллаш, мамлакат ижтимоий ва иқтисодий ривожланишининг долзарб масалаларини ҳал этиш, мавжуд илмий-технологик салоҳиятдан самарали фойдаланиш имконини яратди[7].

Инновация мамлакатдаги ҳар томонлама ривожланишнинг етакчилари бўлган турли хил соҳаларнинг технологиялари ва юқори технологик ишлаб чиқаришлар асосларига суянишдан иборатдир. Бундай ёндашиш маҳсулотнинг рақобатбардошлигини қўллаб – қувватлаш ва янги рақобат афзаллигини яратишнинг зарур шарти ҳисобланади.

Дарҳақиқат, “2009 – 2010 йилларга мўлжалланган инқирозга қарши дастурнинг асосий вазифаларидан бири корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадалроқ ўтказиш, замонавий ихчам технологияларни кенг тадбиқ этишдан иборатдир” деб эътироф этадилар Президентимиз И.А.Каримов[14].


Илмий фаолият давлат сиёсатининг анъанавий йўналиши (доираси) бўлиб ҳисобланади. Гап шундаки, мақсади фойда олиш бўлган илмий ғояларни бевосита тўғридан-тўғри хўжалик фаолиятга қўллаш мумкин эмас. Шу сабабли корхона ва компаниялар тадқиқотларни молиявий таъминлашда эҳтиёткор бўладилар, ваҳоланки, уларнинг натижаларидан манфаатдордирлар.

Миллий инновацион тизимнинг вазифаси — компаниялар, институтлар, университетлар ва бошқа институционал бўғинларнинг молиявий ва технологик ресурсларини қонунчилик ва иқтисодий рағбатлар ёрдамида интеграциялаш ҳисобланади. Бундай интеграциянинг мақсади — барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишда миллий рақобатли афзалликларни амалга ошириш ҳисобланади.

Миллий инновацион тизимни шакллантириш биринчи навбатда қуйидагиларни талаб қилади:

- инновацияларни бошқариш учун менежер кадрлар тайёрлаш, маҳаллий юқори технологияли ишлаб чиқариш менежменти меъёрларини халқаро меъёрларга етказиш;
- риск даражаси юқори бўлган инновацион лойиҳаларни ташкил қилиш ва молиялаштириш бўйича жаҳон тажрибаларини мамлакат иқтисодий шароитларига мослаштирувчи механизмларни ривожлантириш (лизинг, инвестицияларни суғурталаш, венчур молиялаштириш ва б.);

- ахборот хизматлари ривожланган тармоғи, жумладан, инновацион лойиҳалар бўйича маълумотлар тўплами ва ахборот тизимлари, риск капитали бозорларидаги конъюнктура ҳақида ахборот, у ёки бу лойиҳаларга маблағ киритишнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақида тавсиялар;
- инжиниринг, маҳсулотни стандартлаш, технологик жараёнлар, товар ва хизматларни сертификациялаш.



**1.3-расм. Инновацион фаолиятнинг давлат томонидан қувватланиш кўринишлари**

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда транспорт тизими ташкил этиш ва бошқаришга замонавий ахборот технологияларини жорий этиш, инновация фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлашнинг меъёрий-ҳуқуқий базаси, солиқ ва божхона масалаларини тартибга солиш, технологиялар трансфери ва интеллектуал бозорни шакллантириш, транспорт тизимини рағбатлантириш учун имтиёзли кредитлаш ва молиялаштириш каби зарурий механизмларни жорий этилаётганлиги инновацион салоҳиятнинг оёққа тураётганлигидан далolat беради.

Республика ҳукумати томонидан инновацион ривожлантириш юзасида тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда:

- инновацион ишланмаларни татбиқ этаётганларига Савдо-саноат палатаси ҳисобидан грантлар ажратилмоқда;

- 2013 йилнинг 1 январигача бўлган даврда лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари хўжалик субъектлари даромад солиғи, ягона солиқ тўлови, қўшилган қиймат солиғи ва давлатнинг мақсадли жамғармаларига мажбурий тўловлар (ягона ижтимоий тўловдан ташқари) тўлашдан озод этилган;

- илмий-тадқиқот муассасалари ва ташкилотларини қайта жиҳозлаш ва тўлиқ жиҳозлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган рўйхатлар бўйича модернизация қилиш доирасида олиб келинадиган ускуналар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилган.

Амалдаги имтиёзлар ва рағбатлантириш омиллари тизимида - ишлаб чиқариш хажмида товарлар (ишлар, хизматлар) экспорти камида 30%ни ташкил этадиган корхоналарга мулкчилик шаклларида қатъий назар, фойда солиғини амалдаги ставкалардан икки баравар камроқ тўлаш ҳуқуқини беради.

Транспорт инфратузилмасида ва иқтисодиётимизнинг бошқа жабхаларида инновацион ишланмалар, яратилган энг илғор технологияларни кенг жорий этиш нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам рақобатбардош ҳамда

харидоргир маҳсулотлар ва хизматларни кўпайишига олиб келади, янги иш ўринлари яратилади, аҳолининг турмуш фаровонлиги ошади. Буларнинг барчаси Республика Президенти Ислон Каримов томонидан мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган тараққиётимиз янги босқичининг устувор вазифаларини амалга оширишга хизмат қилади.

### **1.3. Шаҳар жамоат транспортини инновацион ривожлантиришнинг хориж тажрибаси**

Урбанизация – инсоният ривожланишининг асосий тенденциясидан биридир. Жаҳонда 2008 йилга келиб шаҳарларда яшовчи аҳоли сони қишлоқ жойларида истиқомат қилувчи инсонлар сони билан тенглашди.

Бундан кўриниб турибдики, шаҳарлар сонининг кўпайиши бу жойларда бир қатор иқтисодий, маъмурий, экологик ва ижтимоий-маданий муаммоларни келтириб чиқаради. Юқоридаги муаммоларни ҳал этиш учун аҳолининг жамоавий, маънавий эҳтиёжларини тўлиқ қондира оладиган шаҳар хўжалигини ривожлантириш талаб этилади.

Замонавий шаҳарларни ривожланишида шаҳар транспорт инфратузилмасининг ўрни жуда муҳим. Шаҳар автомобил йўлларининг равон ва қулай бўлиши шаҳар инфратузилмасининг асосини ташкил этади. Ўз ўзидан аёнки, транспорт инфратузилмаси ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти гуркираб ривожланмоқда, мамлакатга хорижий инвестицияларни жалб қилинишида ҳам мамлакатнинг транспорт салоҳияти асосий турткилардан бири бўлиб қолмоқда. Ҳозирда кўплаб хориж мамлакатларида шаҳар жамоат транспортини ҳар томонлама ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Шаҳар аҳолиси ва ташриф буюрган меҳмонларга қулайлик яратиш мақсадида шаҳар жамоат транспортда янгидан-янги инновацион ғояларни қўллаган ҳолда ушбу соҳа фаолдиятини янада такомиллаштириш ўта муҳимдир.

Замонавий шаҳарларда транспорт инфратузилмасини ривожлантириш учун қуйидаги вазифалар муҳим ҳисобланади:

- ☒ шаҳар жамоат транспорти тизимининг ишончлироқ, тезроқ ва аҳоли учун қулайроқ бўлиши;
- ☒ янги транспорт турларининг татбиқ этилиши;
- ☒ транспорт оқимларини бошқарув тизимини янада такомиллаштириш;
- ☒ шаҳар жамоат транспортида ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш;
- ☒ шаҳарларда автомобил йўллари ва автострадалар, автомагистраллар ва бошқа технологик иншоотларнинг ривожланганлик даражасини ошириш.

Европа мамлакатларида шаҳар жамоат транспортининг ҳоҳ у ер усти ёки ер ости транспорти бўлсин, энг ўзига хос томони унинг ҳаракатланиш вақти жиҳатидан аниқлигидадир. Агар бекатда автобуснинг келиш вақти 8:43 деб ёзилган бўлса, айнан соат саккиздан қирқ уч дақиқа ўтганда автобус бекатга келиб тўхтади. Албатта, бундай аниқликда ҳаракатланадиган жамоат транспорти шаҳар аҳолиси ва меҳмонларини ўзига жалб қилмай қолмайди. Шунини таъкидлаш керакки, шаҳар жамоат транспортининг аниқ вақт бирлигида белгиланган маршрут бўйлаб ҳаракатланиши таъминлаш корхонадан қўшимча сарф харажат талаб этмайди, шу билан бирга мижозларнинг шаҳар жамоат транспортига бўлган ишончини ҳамда унга йўловчилар оқимини оширади. Бу ўз навбатида транспорт корхоналари даромади ошишини таъминлайди.

Транспорт инфратузилмаси ва шаҳар жамоат транспорти юксак даражада ривожланган мамлакатлардан бири бу Жанубий Кореядир. Унинг пойтахти Сеул шаҳри. Шаҳарда 10 миллиондан зиёдроқ аҳоли истиқомат қилади ва уларнинг аксарият қисми ҳар куни шаҳар жамоат транспортидан фойдаланишади. Сеул шаҳри жамоат транспортининг ўзига хос жиҳатларидан бири бу - жамоат транспорти ҳаракатланиши учун шаҳар йўлларидаги алоҳида ажратилган бўлаклардир (1.4-расм). Бу махсус бўлаклардан фақат жамоат транспорти автобусларигина фойдаланади, бошқа автомобилларнинг бу бўлакда ҳаракатланиши эса қонун билан таъқиқланган ва катта миқдорда

жарима белгиланган. Бундай махсус бўлакларнинг ажратилганлиги жамоат транспортига бир қанча қулайликлар туғдиради:

1. Бу бўлакларда бошқа транспорт воситаларининг ҳаракатланмаслиги жамоат транспортига йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлиги ва қулайлигини таминлайди;
2. Шаҳар жамоат транспортини йўллардаги тирбандликлардан халос қилади ва унинг пунктуаллигини оширади;
3. Жамоат транспорти оқимини назоратини анча қулайлаштиради;



#### **1.4-расм. Шаҳар жамоат транспорти учун махсус бўлак. Сеул ш. 2013 й**

Сеул шаҳрида аҳолига хизмат кўрсатувчи автобуслар сони 30 мингтага етади. Автобуслар қатнайдиған йўналишларини уларнинг маршрут рақамлари орқали, колаверса автобуснинг ранги орқали ҳам билиб олиш мумкин.

Шаҳарда 4 хил рангдаги автобуслар аҳолига транспорт хизматларини кўрсатади ( 1.5- расм)



**1.5 – расм. Сеул шаҳри  
автобусларининг турланиши**

- ➡ сариқ рангдаги автобуслар - фақат шаҳар марказидагина ҳаракатланади;
- ➡ кўк (мовий) рангдаги автобуслардан - шаҳар ташқарисига чиқишда ва Сеул шаҳрига кириш мақсадида фойдаланилса ( 1.6 - расм);



**1.6-расм. Сеул шаҳри ташқарисига чиқишда ва Сеул шаҳрига кириш мақсадида фойдаланиладиган кўк (мовий) рангдаги автобус**

- ➡ яшил (зангори) рангдаги автобуслар - шаҳар ичидаги туманларни бирлаштиради;
- ➡ қизил рангли автобуслар - пойтахтни кўшни шаҳарлар билан боғлашга хизмат қилади.

Маълумот ўрнида шуни айтиш мумкинки, 2003 йилда Сеул шаҳри транспорт инфратузилмасини ривожлантириш учун давлат ҳисобидан 100 миллион АҚШ доллари ажратилган.

Сеул шаҳрининг жамоат транспорти салоҳияти ҳақида гапирар эканмиз, унинг ер ости транспорт тизими ҳақида гапирмасдан иложимиз йўқ. Умумий узунлиги 755 км ва 291 та бекатларга эга бўлган Сеул шаҳри метрополитен тизими ривожланганлиги ва қулайлиги жиҳатидан дунёда етакчилардан ҳисобланади. Метро бекатлари ўзининг замонавийлиги ва йўловчилар учун ўта қулайлиги билан ажралиб туради. (1.7-расм) Электрон – инфор­мацион таблолар

кейинги поезднинг қайси бекатда келаётганлигини ва неча дақиқадан сўнг бекатга кириб келишини аниқ айтиб бера олади. Бекатлар ва уларнинг атрофларидаги ахборот ишора белгилари ҳатто пойтахт меҳмонларини ҳам адашмасдан манзилига етиб боришларини таъминлайди. Сеул метросининг барча бекатларида WI FI (тўлқинли интернет тармоғи) ишлаб туради ва янги ишга туширилган йўналишларида эса ҳатто метро вагонлари ичида ҳам WIFI (тўлқинли интернет тармоғи) дан фойдаланиш мумкин. Сеул шаҳри метрополитени қурилиши учун нафақат давлат молиявий маблағларидан фойдаланилади, балки йирик тадбиркор-инвесторлар ҳам метро қурилишида ўз маблағлари билан иштирок этишлари мумкин. Инвесторлар ўз транспортларидан кўпроқ инсонлар фойдаланишларини хоҳлайдилар ва истеъмолчиларни жалб қилиш ва уларга қулайликлар яратиш мақсадида метро вагонларини кондиционерлар, турли мултимедиа ускуналари билан жихозлашади ва натижада йўловчилар манзилларига етиб олгунларига қадар қизиқарли филм томоша қилишлари ёки мусиқа тинглаб кетишлари мумкин.



**1.7 – расм. Сеул шаҳри метрополитени. 2013 й.**

Хар куни Сеул метрополитенидан 5 миллионга яқин йўловчилар фойдаланади.

Транспорт хизматларига тўлов тизимида ҳам инновацион технологиялардан кенг фойдаланилган. Эътиборлиси шундаки транспорт хизматлари тўловларининг деярли 90% фоизи электрон тарзда амалга оширилади, нақд пул кўринишидаги тўловлардан жуда кам ҳолатларда фойдаланилади. Сеул шаҳар транспорти электрон тўлов тизимидан фойдаланишни 2004 йилдан бошлаб йўлга қўйди(1.9-расм), бу тизим номи “T-money” деб аталиб, нархи 2500 вон (5000 сўм) бўлган махсус тўлов картаси ёрдамида амалга оширилади (1.8 - расм ).



**1.8-расм. T-money электрон тўлов картаси**

**1.9-расм. Сеул шаҳри T-money электрон тўлов терминаллари**



Бундай карталар махсус ускуналар (терминал) ёрдамида пул билан тўлдирилади ва автобус, метро, такси ва ҳатто дўконларда ҳам тўлов воситаси сифатида фойдаланилиши мумкин. Бундай тўлов карталарининг яна бир қулайлиги, ундан метрода фойдаланиб автобусга чиқилганда 30 дақиқа давомида фойдаланиш бепул ҳисобланади. Автобусларда тариф нархини

белгилашда ҳам ўзига хос усулдан фойдаланилган. Автобусдан белгиланган маршрут бўйлаб 10 километрлик масофагача бўлган саёхатга 900 вон (1800 сўм), агар 10 километрдан узоқроқ масофага саёхат қилмоқчи бўлсангиз, ҳар бир 5 километрга яна 100 вон (200 сўм) дан ҳақ тўлашингизга тўғри келади. Шунинг учун автобусдан тушиш пайтида ҳам тўлов картани махсус ускунадан “ўқитилгандан” сўнггина йўл кира ҳаққи ушлаб қолинади.

Сеул шаҳри жамоат транспортини ривожлантиришда инновацион технологиянинг ривожланиб бораётган турларидан бири видео кузатув камераларидан кенг фойдаланилади. Шаҳарнинг деярли барча ҳудудида видео кузатувларнинг йўлга қўйилганлиги, нафақат транспорт ёки йўл ҳаракати қоидалари бузилиши балки шаҳардаги жиноятчиликни сонини ҳам кескин пасайишига олиб келди. Шаҳар автомобил йўлларида тирбандлик ҳақида маълумот бериб турувчи таблолар йўловчиларга анча қулайлик яратса, йўллардаги кузатув камералари йўл ҳаракати қоидаларини бузилишини кузатиб туришади. Қоида бузган йўловчилар бу ҳақда ўз мобил телефонларига келган SMS хабар орқали огоҳлантирилади ва керакли миқдорда жаримага тортилади. Масалан, рухсат этилмаган жойда транспорт воситасини тўхтатган ҳайдовчи 58 000 вон (116 000 сўм) миқдорда жаримага тортилади. Шаҳар автомобил йўлларидаги жамоат транспорти учун мўлжалланган махсус бўлакдан ноқонуний фойдаланган транспорт воситалари эгалари 100 000 вон (200 000 сўм) га яқин суммада жарима тўлашга мажбурдирлар. Шуниси эътиборга молиқки, йўл қоидаси бузувчилари ҳар йили шаҳар бюджетига 20 миллион АҚШ долларига яқин миқдорда маблағ “тақдим” этишар экан. Албатта бу молиявий маблағлар шаҳар транспорт салоҳиятини янада ошириш ва ривожлантиришга сарфланади.


Қуйидаги 1.5 - жадвалда хориж мамлакатларида ҳар бир фуқарога тўғри келадиган транспорт инфратузилмасини ривожлантириш учун сарфланган харажатларини кўришингиз мумкин.

Жадвалдан кўриниб турибдики, аҳоли бошига сарфланадиган транспорт инфратузимани ривожлантириш учун сарфланган харажатлари бўйича

Германия 417 АҚШ доллари билан 1-ўринни эгаллаган бўлса, 2-чи ва 3-чи ўринларни 364 АҚШ доллари ва 363 АҚШ доллари билан Финландия ва Италия давлатлари эгаллаб турибди.

1.5 - жадвал

**Хориж мамлакатларида транспорт инфратузилмасини  
ривожлантириш учун ҳар бир фуқарога тўғри келадиган сарфланган  
харажатлар миқдори**



Шаҳар транспорт тизимида амалга оширилган омадли ислоҳотлардан яна бири Янги Зеландия пойтахти Веллингтон шаҳри жамоат траснпорти мисолида кўришимиз мумкин. Ислоҳотнинг асосини эса шаҳарда транспорт хизматини кўрсатувчи корхоналар хусусийлаштириш ва тарифларни белгилашда фақат рақобатга асосланган ҳолда амалга ошириш ташкил этади. Шаҳар жамоат транспорти корхоналари ичида давлат корхоналари мавжуд бўлган тақдирда давлат субсидияларини олиш учун хусусий корхоналар билан тендерда қатнашиши шарт бўлган. Ушбу ислоҳотни амалга оширилиши билан Веллингтон шаҳар транспорти тарифлари 60% га пасайди ва шу билан бирга транспорт хизматлари ҳажми 40% га ошди.

Бразилиянинг аҳолиси 1 миллионга яқин бўлган Куритиба шаҳри жамоат транспорт тизими ўзига хослиги билан ажралиб туради. Бу шаҳарда бошқа мамлакатларда учрамайдиган “автобусли метро” номли транспорт воситаси мавжуд. Шаҳардаги асосий 5 та кўчаларида ҳаракатланадиган бу “транспорт”

воситаси учун шаҳар йўллари йўртасидаги 2 та бўлак ажратилган бўлиб, бошқа ҳаракат бўлакларидан ажратилган. Бу транспорт воситасига чиқиш ва тушиш махсус терминалларда амалга оширилиб, бундай жойларга кириш учун турникетларда тўловни амалга оширишга тўғри келади. Бундай экспресс автобуслар бекатларда 1 дақиқадан ортиқ муддатда турмайди. “Автобусли метро” ёки экспресс автобуслар учун ажратилган йўл йўртасидаги махсус бўлаклардаги ҳаракатни бошқариб турувчи светофорлар экспресс автобуслар ичидан туриб ҳайдовчи томонидан бошқарилади ва бу ўз навбатида “экспресс автобус” - транспорт воситасига йўлларда эркин ҳаракатланишига шароит яратди ва белгиланган вақт интервалида ўз манзилига етиб боришини таъминлайди. Бошқа жамоат транспортларига қараганда бундай устунликка эга бўлган экспресс автобуслар шаҳарда фаолият юритаётган бошқа автобусларга қараганда 3 маротаба кўпроқ йўловчиларга хизмат кўрсата олади. Қолаверса бу экспресс автобус линияси соатига 20 000 та йўловчини ташиш олади ва бу кўрсаткич кўплаб шаҳар метроларида ташиладиган йўловчилар сонига тенг, шуниси эътиборга молики бундай “экспресс автобуслар” учун инфратузилма ташкил этиш ва фойдаланиш ер ости транспорти - метро қурилишидан 100 маротаба арзонроқ тушар экан.

Америка Қўшма Штатлари ва Германия давлатларида эса шаҳарларда жамоат транспортини ривожлантиришда инновацион ёндашилган тарзда ноодатий лойиҳа ишлаб чиқилмоқда. Бу лойиҳа автомобилларни ижарага бериш тизими янада такомиллашган кўринишини ўз ичига олади.

Грецияда эса шаҳар марказида шахсий автомобиллардан фойдаланишни камайтириш мақсадида махсус татбиқ тадбиқ қилинган яъни ойнинг тоқ кунларида автомобил рақамлари тоқ сонлар билан тугайдиган транспорт воситаси эгалари, аксинча ойнинг жуфт кунларида автомобил рақамлари жуфт сонлар билан тугайдиган транспорт воситаси эгалари фойдаланишлари мумкин.

Кўплаб хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, шаҳар жамоат транспортини ривожлантиришда ҳал қилиниши керак бўлган энг асосий муаммо бу шаҳардаги шахсий автомобиллар оқимини оптималлаштириш ва

шаҳар аҳолисини шаҳар ичидаги транспортга бўлган талабини ўз шахсий автомобиллари орқали эмас, балки жамоат транспорти орқали қондирилишига эришишдир.

Такрорлаймизки, инновацион лойиҳани туркумлаштиришнинг чуқурлиги, лойиҳалаштиришда ҳисобга олинадиган илмий ёндашишлар ва тамойиллар, қўлланиладиган менежмент усуллари миқдори лойиҳанинг бош менежери (лойиҳа менежери) ва ИТК аъзолари томонидан муаммонинг мураккаблиги, лойиҳанинг қиймати ва инновацион ташкилот ташқи ва ички омиллари ҳолатига мувофиқ белгиланади.

### I боб бўйича хулоса.

1. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шаклланаётган ҳозирги шароитда шаҳар йўловчилар транспортини бошқариш тизимини такомиллаштиришда сифат жиҳатидан янги талаблар қўйилмоқда. Автомобил транспорти умуман транспорт тизимининг самарали фаолият юритиши, унинг мамлакат иқтисодиётидаги улуши бошқарув билан боғлиқ. Шаҳар жамоат транспортида инновацион менежмент - чекланган ресурслар шароитида мавжуд имкониятлар орқали максимал самарага эришиш вазифасини бажаради.

2. Иқтисодиётнинг инновацион ривожланишини талаб этувчи бугунги шароитда шаҳар жамоат транспортида ўзини-ўзи ташкил этиш ва сифатини оширишни умумиқтисодий манфаатлар билан уйғунлаштирган ҳолда амалга ошириш мураккаб илмий-амалий масалалардан ҳисобланади.

3. Инновация ютуқларининг иқтисодий натижалари ишлаб чиқариш жараёнида моддий ресурсларни, маҳсулот бирлигига сарфланадиган жонли ва буюмлашган меҳнатни тежашни, киши бошига меҳнат унумдорлигининг ошиб боришини, атроф-муҳитнинг экологик жиҳатдан ифлосланиш даражасини камайтиришни таъминлашда, ишлаб чиқариш, ижтимоий соҳада банд бўлганларнинг иш ҳақи ва даромадларининг ўсиб бориши, кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш даражасини ошиб бориши ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожланиб боришида ифодаланади.

4. Ўзбекистонда Мустақиллик йилларида инновацион иқтисодий шакллантириш, инновацион фаолиятнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, илм-фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялаштириш механизмини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилиб, махсус муассаса ва ташкилотларда илмий тадқиқот ва конструкторлик ишларини давлат томонидан мақсадли қўллаб-қувватлаш тизими яратилмоқда.

5. Замонавий шаҳарларда транспорт инфратузилмасини ривожлантириш учун шаҳар жамоат транспорти тизимининг ишончлироқ, тезроқ ва аҳоли учун қулайроқ бўлиши, янги транспорт турларининг татбиқ этилиши, транспорт оқимларини бошқарув тизимини янада такомиллаштириш, шаҳар жамоат транспортида ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш, шаҳарларда автомобил йўллари ва автострадалар, автомагистраллар ва бошқа технологик иншоотларнинг ривожланганлик даражасини ошириш керак.

6. Ушбу тадқиқот доирасида Кореянинг Сеул шаҳри, Янги Зеландия пойтахти Веллингтон шаҳри, Бразилиянинг Куритиба шаҳри ва Греция шаҳар жамоат транспорти хориж тажрибалари ўрганилди.

7. Олиб борилаётган тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, шаҳар жамоат транспортини ривожлантиришда ҳал қилиниши керак бўлган энг асосий муаммо бу шаҳардаги шахсий автомобиллар оқимини оптималлаштириш ва шаҳар аҳолисини шаҳар ичидаги транспортга бўлган талабини ўз шахсий автомобиллари орқали эмас, балки жамоат транспорти орқали қондирилишига эришишдир.

## **II боб. Шаҳар жамоат транспорти фаолиятида инновацион менежментни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари**

### **2.1. Тошкент шаҳар жамоат транспорти фаолиятининг таҳлили ва ривожланиши истиқболларини баҳолаш**

Кейинги йилларда Тошкент шаҳри аҳолисига транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Автобуслар парки изчил янгиланмоқда, сервис хизмати тармоғи ташкил этилган ва бу йўловчилар ташиш хавфсизлигини ошириш имконини бермоқда. Шаҳар йўловчи транспортининг янги, мунтазам йўналишлари очилди, метрополитеннинг Юнусобод йўналишиишга туширилиши таъминланди, хусусий йўловчи ташувчилар кўрсатаётган хизматлар ҳажмини ошириш имконини берадиган қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий база яратилди. Шу билан бирга, жамоат транспортида аҳолига хизмат кўрсатиш тизимида бозор механизмларини жорий этиш жараёни сус бормоқда. Хусусий йўловчи ташувчиларнинг тендер савдоларида иштирок этишида ва йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатишидаги турли чеклашлар транспорт хизматлари бозори ривожига тўсқинлик қилмоқда.

«Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компаниясида корхоналарнинг низом жамғармасидаги давлат улушини қисқартириш бўйича мақсадли ишларнинг амалга оширилмагани автобус парклари, ҳайдовчилар ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, йўналишларда вақтида ва ишончли ҳаракатланиш ҳамда ҳаракатланувчи таркибни сақлаш ва йўловчи ташиш таннархини пасайтириш борасидаги мустақиллиги, моддий манфаатдорлиги ва масъулиятини ошириш имконини бермади.

Тошкент шаҳри аҳолисига транспорт хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш, барча мулкчилик шаклидаги йўловчи ташувчилар ўртасида ошкора рақобат учун қулай шароит яратиш, кўрсатилаётган хизматларнинг сифат стандартларига мос бўлиши ва йўналишларда ҳаракат жадвалларига риоя этиш даражасини ошириш, йўловчи ташишлар бўйича буюртмачи ва пудратчи

вазифаларини аниқ белгилаш, йўловчи транспорти ходимлари моддий манфаатдорлигини кучайтириш, ноишлаб чиқариш ва маъмурий-бошқарув харажатларини камайтириш мақсадида тегишли ҳукумумат қарорлари асосида «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси ташкил этилган.



**2.1- расм. «Тошкент шаҳрида йўловчи транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» ги № ПФ - 3713 сонли фармонинг мақсади**

«Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси бугунги кунда йўловчилар ташиш бўйича қуйидаг асосий вазифаларни бажаради (2.2 – расм)

|                                                                               |                                                                                                                                                                                                                                                                                 |
|-------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси<br>йўловчилар ташиш бўйича асосий<br>вазифалари | аҳолининг шаҳар йўловчи транспорти хизматларига бўлган<br>эҳтиёжини қондириш                                                                                                                                                                                                    |
|                                                                               | йўловчи транспортининг йўл ҳаракати хавфсизлигининг юқори<br>даражасига риоя этган ҳолда, йўналишларда бир маромда ва<br>ишончли ҳаракатини таъминлаш                                                                                                                           |
|                                                                               | транспорт корхоналари мулки, шу жумладан автотранспорт<br>воситаларининг сақланиши ва улардан мақсадли фойдаланиш<br>устидан мониторинг олиб бориш                                                                                                                              |
|                                                                               | акциядорлик жамиятларига давлат активларини сотишда ёрдам<br>кўрсатиш                                                                                                                                                                                                           |
|                                                                               | мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча йўловчи ташувчиларга<br>шартнома асосида хизмат кўрсатувчи, шу жумладан таъмирнинг<br>барча турлари ва ҳаракатдаги таркибни модернизация қилиш<br>ҳамда уларга сервис хизмати кўрсатиш бўйича транспорт<br>инфратузилмасини ривожлантириш |
|                                                                               | йўловчиларни ташиш хизматларига бўлган талаб, иқтисодий<br>асосланган харажатлар ва йўловчи транспортининг<br>рентабеллигини оширишдан келиб чиққан ҳолда, шаҳар<br>йўловчи транспортда таърифларни шакллантиришда қатнашиш                                                     |
|                                                                               | кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни<br>ташқил этиш                                                                                                                                                                                                        |

## 2.2 – расм. «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмасининг йўловчилар ташиш бўйича асосий вазифалари [11]

«Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси Тошкент шаҳар йўловчи транспорти соҳасида ишлаётган хўжалик жамиятлари, давлат, хусусий ва бошқа ташкилотларни шартнома асосида бирлаштиради ва ўз фаолиятини мустақил юридик шахс сифатида тўлиқ хўжалик ҳисоби тамойиллари асосида амалга оширади.

Бугунги кунда Тошкент шаҳрининг йўловчи транспорти тизими таркибида:

- 108 та автотранспортда ва 4 та электр транспортида йўловчи ташиш корхоналари;
- 20 та инфратузилма корхоналари («Мерседес-Бенц» автобусларига сервис хизмати кўрсатиш, диспетчерлик хизмати, ойлик йўл чипталарини сотиш, автобус ва трамвай ҳайдовчиларини тайёрлаш ва бошқалар) фаолият кўрсатмоқда.

**2.1-жадвал**

| <b>Кўрсаткич номи</b>                | <b>Жами</b> | <b>Автобус</b> | <b>Микро-Автобус</b> | <b>Трамвай</b> | <b>Метро</b> |
|--------------------------------------|-------------|----------------|----------------------|----------------|--------------|
| Корхоналар сони                      | 111         | 18             | 90                   | 2              | 1            |
| Транспорт воситаларининг сони (дона) | 3316        | 1612           | 1374                 | 118            | 212          |
| Йўналишлар сони                      | 295         | 140            | 148                  | 4              | 3            |
| Шу жумладан:                         |             |                |                      |                |              |
| - шаҳар ичида                        | 135         | 135            |                      |                |              |
| - шаҳар атрофида                     | 5           | 5              |                      |                |              |
| - йўналишли такси                    | 148         |                | 148                  |                |              |
| Жадваллар сони                       | 2420        | 1257           | 1163                 |                |              |
| Йўналишлар узунлиги (км)             | 5 076,8     | 2 748,6        | 2 208,8              | 83,3           | 36,1         |

Тошкент шаҳрида турли мулк шаклидаги йўловчи ташиш корхоналари фаолият кўрсатаётган бўлиб, улар юқоридаги 2.1 - жадвалда ўз ифодасини топган.

Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш транспорти ишини ривожлантириш, транспорт хизмати кўрсатиш маданияти ва сифатини яхшилаш, жумладан транспорт корхоналарининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида бир қанча ишлар олиб борилмоқда. Ҳақиқатдан ҳам Тошкент шаҳридаги йўловчи ташиш корхоналарининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бугунги кунда долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

2007-2010 йилларда “Тошшаҳартрансхизмат” уюшмаси корхоналарининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга йўналтирилган маблағлар жами 159,2 млрд.сўмни ташкил этди. Шу жумладан:

- ➡ ҳаракат таркибини янгилашга – 157,1 млрд.сўм;
- ➡ “Mercedes-Benz” автобуслари учун эҳтиёт қисмлар – 1,15 млрд.сўм;
- ➡ махсус диагностика асбоб-ускуналари – 0,9 млрд.сўм.

Қуйидаги 2.2-жадвалда 2007-2010 йилларда “Тошшаҳартрансхизмат” уюшмаси корхоналарининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга йўналтирилган маблағлар тўлиқ акс эттирилган.

**2.2-жадвал**

| Лойиҳалар номи                                                          | Жами        |                     | 2007 йил |                     | 2008 йил |                     | 2009 йил |                | 2010 йил |              |
|-------------------------------------------------------------------------|-------------|---------------------|----------|---------------------|----------|---------------------|----------|----------------|----------|--------------|
|                                                                         | Микдор<br>и | Қиймати             | Микдор   | Қиймати             | Микдор   | Қиймати             | Микдор   | Қиймати        | МикДори  | Қий Мати     |
| Ҳаммаси бўлиб                                                           | 1000        | 159,2 млрд.сўм      | 237      | 17,4 млрд.сўм       | 489      | 77,1 млрд.сўм       | 262      | 64,2 млрд.сўм  | 12       | 0,5 млрд.сўм |
| “Mercedes-Benz Conecto Low Floor” автобуслари                           | 400         | 52,8 млн. евро      |          |                     | 200      | 26,4 млн. евро      | 200      | 26,4 млн. евро |          |              |
| “Исузу” автобуслари                                                     | 570         | 23,7 млрд.сўм       | 217      | 9,03 млрд.сўм       | 279      | 11,6 млрд.сўм       | 62       | 2,58 млрд.сўм  | 12       | 0,5 млрд.сўм |
| “71-619 КТ” трамвай вагонлари                                           | 30          | 7,48 млн. АҚШ долл. | 20       | 4,99 млн. АҚШ долл. | 10       | 2,49 млн. АҚШ долл. |          |                |          |              |
| “Mercedes-Benz” автобуслари учун эҳтиёт қисмлар                         |             | 500 минг евро       |          |                     |          |                     |          | 500 минг евро  |          |              |
| “Mercedes-Benz” сервис маркази учун махсус диагностика асбоб-ускуналари |             | 400 минг евро       |          |                     |          | 400 минг евро       |          |                |          |              |


Ҳозирда ҳам тизимни ривожлантиришга қаратилган ислохотлар давом эттирилмоқда ва асосий эътибор йўловчи транспорт тизимига қаратилмоқда. Йўловчи ташиш тизимида хизмат кўрсатишни янада такомиллаштириш, барча мулкчилик шаклидаги йўловчи ташувчилар ўртасида ошкора рақобат учун қулай шароит яратиш, кўрсатилаётган хизматларнинг сифат стандартларига мос бўлиши ва йўналишларда ҳаракат жадвалларига риоя этиш даражасини ошириш, йўловчи ташишлар бўйича буюртмачи ва пудратчи вазифаларини аниқ белгилаш, йўловчи транспорти ходимлари моддий манфаатдорлигини кучайтириш, ноишлаб чиқариш ва маъмурий-бошқарув харажатларини камайтириш бугунги кунда транспорт тизими олдида турган асосий масалалардан биридир.

Президентимиз И.А.Каримов 2012-йилнинг асосий якунлари ва 2013-йилда Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаларида - “2013 йил ва ундан кейинги йилларда дастурий вазифаларимизни амалга оширишда йўл-транспорт ва коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш устувор аҳамият касб этади. Бугун мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилаш, иқтисодиётимизнинг сифат жиҳатидан янги, замонавий таркибий тузилмасини шакллантириш, ҳудудларимизни комплекс ривожлантириш бўйича барча режаларимизнинг муваффақиятли амалга оширилиши транспорт инфратузилма тармоғини юксак суръатларда ривожлантириш билан узвий боғлиқдир” деб эътироф этдилар[16].

Тошкент шаҳри ривожланган транспорт инфратузилмасига эга бўлиб, шаҳар майдонининг барча ҳудудларини қамраб олади. Равон автомобил йўллари, мукамал конструкцияли кўприклар ва замонавий жамоат транспорти бекатлари шаҳар кўркига кўрк қўшиб туради. Қолаверса Тошкентда Марказий Осиёда ягона ҳисобланган метрополитен мавжуд бўлиб, шаҳар аҳолиси ва меҳмонларини жамоат транспортига бўлган эҳтиёжларини юксак даражада қондириб келмоқда.

Метрополитеннинг ҳар бир бекатлари ўзига хос юксак архитектура ансамблини ташкил этади (2.3 - расм). Бекатларда миллий меъморчилик намуналаридан тортиб, замонавий архитектура ечимларига гувоҳ бўлишингиз мумкин. Бекатлардаги тозалик ва тартиб, йўловчиларга яратилган қулайликларни дунёнинг ривожланган давлатлар метрополитенлари билан таққосласа аризулик. Бекатларда қишнинг совуқ кунларида илқлик ва ёзнинг жазирама кунларида салқинлик йўловчиларга анча қулайликларни туғдиради.

Метрополитен тарихига назар солادиган бўлсак, унинг қурилиши 1972 йилда бошланиб 1977 йилда фойдаланишга топширилган. 1977 йилда ишга туширилган 1 йўл 12.2 километрни ташкил этиб 9 та бекатдан иборат бўлган. Бекатлар Рихтер шкаласи бўйича 9 баллгача бўлган зилзилалар қарши тура оладиган даражада бунёд этилган.



**2.3- расм. Тошкент шаҳар метрополитени, Ҳамид Олимжон бекати**

Ҳозирги даврга келиб Тошкент метрополитени 3 та: Ўзбекистон, Чилонзор ва Юнусобод йўлларида иборат .

Метрополитен барча бекатлари сони 29 та ва умумий узунлиги 38.7 километрни ташкил этади. 2001 йил сентябр ойидан бошлаб метрополитеннинг янги “Юнусобод” йўли ўз фаолиятини бошлади. Юнусобод йўли кунига 60 мингга яқин йўловчини ўз манзилларига элтади.

Метрополитенда 39 поезд состави бўлиб ҳар бири 4 та вагонлардан иборат бўлиб, поездларнинг ҳаракатланиш интервали 90 сония (минимал)ни

ташкил этади. Метро поездларининг ўртача эксплуатацион тезлиги 60 км/соат (2.4-жадвал).

2.4-жадвал

| №      | Йўналиш номи | Ишга туширилган муддати, йил | Йўналишнинг сўнгги бекати фойдаланишга топширилган йил | Узунлиги, км | Бекатлар сони | Йўналиш бўйича ҳаракатланиш давомийлиги, дақиқа |
|--------|--------------|------------------------------|--------------------------------------------------------|--------------|---------------|-------------------------------------------------|
| 1      | Чилонзор     | 1977                         | 1980                                                   | 16,8         | 12            | 25                                              |
| 2      | Ўзбекистон   | 1984                         | 1991                                                   | 14,3         | 11            | 27                                              |
| 3      | Юнусобод     | 2001                         | 2001                                                   | 7,6          | 6             | 14                                              |
| Умумий |              |                              |                                                        | 38,7         | 29            |                                                 |

#### 2.4-расм. Тошкент метрополитени йўналишларининг чизмаси

Тошкент шаҳрида илк автобуслар 1909 йилда пайдо бўлган, 8 нафар йўловчига мўлжалланган бундай автобуслар сони 10 та бўлиб, улар Тошкент шаҳрининг ҳозирги Буюк Ипак Йўли кўчасини ўрнида бўлган ўша даврдаги Николское қишлоғини Қўйлиқ даҳаси билан боғлаган. 1949 йилга келиб эса ТошМИ – Чўпонота йўналишида (ҳозирги №80 автобус маршрути) автобус қатнови йўлга қўйилган (2.5-расм). 1981 йилда Тошкент шаҳрида узунлиги 1397 километр бўлган 117 та йўналиш бўйича ҳар куни 1100 га яқин кичик ва катта ҳажмдаги автобуслар шаҳар аҳолисига транспорт хизматини кўрсатган.



2.5-расм. Тошкент, эски Жува. 1956 й.

Шаҳар автобус парки доимий равишда Ikarus, ЛиАЗ, ЛАЗ ва ПАЗ каби янги русумдаги автобуслар билан янгиланиб борилган.

Мамлакатимиз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг жамиятнинг барча жабҳалари каби шаҳар жамоат траснпорти соҳасида ҳам улкан янгиланишлар ва ислохотлар амалга оширилди. Автобус парки замонавий, қулай, жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб берадиган автобуслар билан янгиланди. Ҳозирга келиб шаҳар автобус парки қўйидаги замонавий автобусларни ўз ичига олади: Isuzu NP37, Mercedes-Benz O405, Mercedes-Benz O405G, Mercedes-Benz O345 Conecto C, Mercedes-Benz O345 Conecto U, Mercedes-Benz O345 Conecto Low Floor, Mercedes-Benz O530 Citaro, Hyundai Aerocity 540, НеФА3 5299 (2.6-расм). Бу автобусларнинг барчаси Евро – 3 ва Евро – 4 экологик хавфсизлик нормаларига тўлиқ жавоб беради.



## **2.6-расм Тошкент шаҳрининг ҳозирги замонавий автобуслари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 3 май № 119 сонли “Тошкент шаҳар йўловчи автобуслар паркини янада янгिलाш тўғрисида” ги қарорига мувофиқ “Тошшаҳартрансхизмат” уюшмаси Германиянинг "EvoBus GmbH" компанияси билан 2013 йил охиригача 100 дона "Mercedes-Benz Conecto Low Floor" русумли шаҳар йўловчи автобуслари ва уларга эҳтиёт қисмлар ва диагностика ускуналарини сотиб олишни назарда тутувчи, умумий қиймати 14 миллион евролик шартномани имзоланди. Ушбу шартномани молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси ривожлантириш ва қайта тиклаш Фонди кредитлари ҳисобида амалга оширилади. Шартномага кўра, сотиб олинаётган автобусларни етказиб бериш жадвали қуйидагича(2.5- жадвал):

## 2.5- жадвал

| <b>«Mercedens-Benz Conecto Low Floor»<br/>русумли автобуслар ва уларга эҳтиёт қисм<br/>ва диагностика ускуналарини етказиб<br/>бериш</b> | <b>Қиймати</b>  | <b>Муддатлари</b>       |
|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------|-------------------------|
| 30 йўловчи автобуслари<br>( 1 дона автобус нархи — 137,5 минг. евро)                                                                     | 4 125,0         | август 2013й.           |
| 20 йўловчи автобуслари                                                                                                                   | 2 750,0         | сентябр 2013й.          |
| 50 йўловчи автобуслари                                                                                                                   | 6 875,0         | октябрь 2013й.          |
| Эҳтиёт қисм ва диагностика ускуналари                                                                                                    | 250,0           | 31 декабр 2013<br>гача. |
| <b>Умумий:</b>                                                                                                                           | <b>14 000,0</b> |                         |

Шуниси эътиборга молики, шаҳар автобус парклари нафақат хорижда ишлаб чиқарилган автобуслар билан балки, ватанимизда ишлаб чиқарилган миллий маҳсулотимиз ҳисобига ҳам янгиланмоқда. “Тошшаҳартрансхизмат” уюшмасига қарашли 10 та автобус саройлари томонидан 2013 йилда 65 дона "ISUZU" русумли шаҳар йўловчи автобусларини сотиб олиш тўғрисида шартнома имзоланган, улардан ҳозирги кунга келиб 28 дона автобус етказиб берилган бўлиб ҳозирда Тошкент шаҳри аҳолисига транспорт хизматлари кўрсатишни бошлаган. Қолаверса, 2013 йил май ойидан бошлаб, "12-Автобус саройи" ОАЖ Самарқанд автомобил заводида ишлаб чиқарилган "SAMAUTO LE 60" (2.7-расм) номли янги, жаҳон талабларига тўла жавоб берувчи шаҳар автобусини синовдан ўтказмоқда (2.6- жадвал). Бу автобус №40 шаҳар йўналишида (“Сергели 12” массиви - “Тошкент” вокзали) аҳолига хизмат кўрсатиши режалаштирилган.



**2.7-расм "SAMAUTO LE 60" номли янги, шаҳар автобусининг кўриниши**

2.6- жадвал

"SAMAUTO LE 60" автобусининг техник характеристикаси:

|                                                                                                               |                                               |
|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------|
| <b>Транспорт воситасининг тури МЗ</b>                                                                         | Шаҳар йўловчи (паст полли) автобуси           |
| <b>Эшиклар сони</b>                                                                                           | Кузовнинг ўнг томонида 2 та ишчи эшик         |
| <b>Йўловчилар сифими, киши.</b>                                                                               | 56+1                                          |
| <b>Ўриндиқлар сони:</b><br>- Йўловчилар<br>- Экипаж                                                           | 25<br>1                                       |
| <b>Габаритлари, мм.</b><br>- узунлиги<br>- эни<br>- бўйи                                                      | 8066<br>2466<br>2782                          |
| <b>Автобус базаси</b>                                                                                         | 4540                                          |
| <b>Автобуснинг тўлиқ оғирлиги, кг.</b>                                                                        | 10200                                         |
| <b>Двигатель</b><br>- двигателнинг ишчи сифими, см <sup>3</sup><br>- максимал қуввати кВт/о. к.<br>(ай/дақ-1) | Cummins 4ISBe4 185B<br>4500<br>130/185 (2500) |
| <b>Экологик хавфсизлик кўрсаткичи</b>                                                                         | EURO-4                                        |
| <b>Максимал тезлиги, км/с</b>                                                                                 | 85                                            |

Ушбу автобуснинг қулайликларига қуйидагиларни мисол қилиб айтиш мумкин:

- Юқори маневрлилик;
- Кичик радиусларда бурила олиш қобилияти;

- Йўловчиларга қўшимча қулайлик бўлиши мақсадида, йўловчи тушириш ва чиқариш вақтида автобуснинг 90 мм гача пасайиб ёки кўтарила олиши;
- Хайдовчи ўриндиқларининг эргономиклиги ва қулайлиги;
- Йўналишни кўрсатувчи электрон таблонинг мавжудлиги.

Ҳар куни Тошкент шаҳар жамоат транспортида 1.5 миллиондан ортиқ йўловчилар ўз манзилларига ташилади. Кейинги йилларда автомобиль транспорти соҳасида олиб борилаётган институтционал ва ҳуқуқий ислохотларнинг мақсади – бу транспорт хизматларини кўрсатиш ҳуқуқи устидан адолатли рақобатга асосланган автомобил транспорти фаолиятини яхшилаш, ушбу секторга турли мулкӣ ташувларни жалб этишдир.

Транспортнинг яхши ишлашини белгилловчи муҳим омиллардан бири унинг йўловчилар ташиш мунтазамлигидир. Қуйидаги 2.7–жадвалда «Тошшаҳартрансхизмат» Уюшмасининг транспорт турлари бўйича йўловчилар ташишга доир 3 йиллик кўрсаткичлар берилган.


2.7–жадвал

**Тошкент шаҳарида транспорт турлари бўйича ташилган йўловчилар  
сони**

| № т/р | Транспорт тури   | МИҚДОРЛАР (млн.йўловчи) |          |          |
|-------|------------------|-------------------------|----------|----------|
|       |                  | 2010                    | 2011     | 2012     |
| 1.    | Автобус          | 351433,3                | 328391,6 | 307449,0 |
| 2.    | Трамвай          | 25765,5                 | 15317,9  | 14878,4  |
| 3.    | Йўналишли такси  | 5237,3                  | 6243,5   | 13516,5  |
| 4.    | Метро            | 65621,2                 | 63924,2  | 65447,3  |
| 5.    | Йўналишсиз такси | 2472,2                  | 2516,4   | 4447,8   |
| ЖАМИ: |                  | 450529,5                | 416393,6 | 405739,0 |


2.1-диаграмма

**Тошкент шаҳрида транспорт турлари бўйича  
2010-2012 йилларда ташилган йўловчилар диаграммаси.**



2.2--диаграмма

**Йўловчилар оқимининг ойлар бўйича тақсимланиш диаграммаси**



Барча турдаги транспортларда амалга ошириладиган ташувлар ичида автомобиль транспортининг улуши йўловчи ташишда 98,5 % га ва йўловчи айланмасининг 88.1% га тўғри келади.

Шуни таъкидлаш керакки, бу амалга оширилган ўзгаришлар йўловчиларнинг транспортга бўлган эҳтиёжини бугунги кун талабига кўра тўлиқ қондира олмаябди, йўловчи транспортда ҳал қилиниши керак бўлган муаммолар ҳали ҳам мавжуд, яни барча транспорт воситаларида бир вақтнинг ўзида (бир иш кунида) йўловчилар оқимини ўрганиш масаласи бугунги кунда долзарб бўлиб қолмоқда. Шу туфайли Тошкент шаҳридаги мавжуд барча йўналишлар тармоғини тартибга солиб, мақбуллаштириш, уларнинг назоратини олиб боришда янги инновацион ғояларни, технологияларни қўллаш транспорт тизимини самарадорлигини ошириш омилидир.

## **2.2. Шаҳар йўловчи транспорти фаолиятини инновацион бошқаришнинг ўзига хос жиҳатлари**

Мамлакатимиз пойтахти Тошкентдек мегаполис учун транспорт масаласи, содда қилиб айтганда, сув билан ҳаводек муҳим аҳамиятга эга. Дунёнинг йирик шаҳарларида ҳаётнинг бир маромда кечиши, шаҳарнинг барқарор ривожланиши учун йўловчи ташиш транспорти юксак даражада ривожланган бўлиши зарур. Йўловчи ташиш тизимининг пунктуаллиги ва ҳеч бир узилишларсиз ишлаши талаб этилади. Шуниси эътиборга молики, жамоат транспорти хизматидан пойтахт аҳолиси ва меҳмонларининг 80 фоизидан ортиғи фойдаланади. Доимий ривожланиб борадиган ва барқарор фаолият юрита оладиган автомобил транспорти тизимини шакллантириш иқтисодиётни ва аҳоли ҳаёт даражасини кўтаришнинг муҳим шarti ҳисобланади. Шунинг учун ҳам транспорт тизимини самарали бошқариш, ва ривожлантириш давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шаҳар йўловчилар транспортини бошқариш Ўзбекистон Республикасининг «Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида»ги қонунига мувофиқ шаҳар

йўловчилар транспортини бошқарувчи давлат органи ва давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади.

Шаҳар йўловчилар транспорти деганда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатга олинган, шаҳар доирасида йўловчилар ҳамда багаж ташишга мўлжалланган автомобиль ва электр транспорти тушунилади. Шаҳар йўловчилар транспорти оммавий ёки хусусий мулк асосида ишлаши мумкин. Шаҳар йўловчилар транспортининг давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси махсус ваколат берган шаҳар йўловчилар транспортини бошқариш органи томонидан амалга оширилади (2.7-расм).



**2.7-расм. Шаҳар йўловчилар транспортининг давлат бошқаруви.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шаҳар йўловчилар транспорти фаолиятини тартибга солиш ва бошқариш соҳасидаги ваколатлари жумласига қуйидагилар киради:

- ривожлантириш ва илмий-техника тадқиқотлари ўтказиш масалаларида давлат сиёсатини амалга ошириш;
- лицензиялаш тартибини белгилаш;
- кредитлаш, молиялаш ва инвестициялар соҳасида устун йўналишларни аниқлаш;

- метрополитен ва бошқа муҳим объектлар қурилишини молиялаш масалаларини ҳал этиш;

- давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни изчил рўёбга чиқариш;

- халқаро шартномалар бажарилишини таъминлаш ва давлатлараро алоқаларни ривожлантириш;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг шаҳар йўловчилар транспорти фаолиятини тартибга солиш ва бошқариш соҳасидаги ваколатлари жумласига қуйидагилар киради:

- ривожланишнинг асосий йўналишларини белгилаш ва комплекс минтақавий дастурларни тасдиқлаш;

- аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳақида шаҳар йўловчилар транспортини бошқариш органи билан шартнома тузиш ва транспорт ҳаракатини ташкил этиш режасини тасдиқлаш;

- йўл қўйиладиган доирадаги тарифларни белгилаш ва уларга риоя этилиши устидан назоратни уюштириш;

- бекатлар, тўхтаб ўтиш ва диспетчерлик манзилларини, бошқа объектларни жойлаштириш, қуриш ва ободонлаштириш масалаларини ҳал этиш;

- йўловчилар ташиш ишининг сифати устидан назорат қилиш;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Шаҳар йўловчилар транспортини бошқариш органининг ваколатлари жумласига қуйидагилар киради:

- ташувчилар билан шартномалар тузиш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

- барча турдаги шаҳар йўловчилар транспортининг бир маромда ишлашини таъминлаш;

- ягона техника сиёсати юритиш;

- барча турдаги шаҳар йўловчилар транспортини ривожлантириш ва йўловчиларга хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, уларга кўрсатиладиган хизматларнинг ҳажмлари ва турларини кенгайтириш юзасидан комплекс тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни рўёбга чиқариш;

- йўловчиларга хизматлар кўрсатиш тартиби ва қоидаларини белгиловчи норматив ҳужжатлар ишлаб чиқиш;

- автобуслар, трамвайлар, троллейбуслар, шунингдек йўналишли таксиларда йўловчилар ташиш йўналишлари ва ҳаракат жадвалларини тасдиқлаш;

- йўловчиларнинг ҳуқуқлари таъминланишини назорат қилиш;

- шаҳар йўловчилар транспорти субъектлари учун ягона чипта тизимини жорий этиш, йўл чипталари, варақалари, шунингдек айрим тоифадаги фуқароларга транспортда имтиёзли юриш ҳуқуқини берадиган ҳужжатлар тайёрлаш;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Автомобил транспорти иқтисодиётнинг капитал сиғими юқори бўлган тармоқларидан бири эканлигини инобатга оладиган бўлсак, бундай компаниялар давлат томонидан қўллаб-қувватланмаса жиддий бошқарув стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга қодир эмаслар. Бундан ташқари, автотранспорт воситаларининг жисмонан ва маънан эскирганлиги, уларни янгилашга молиявий ресурсларнинг етишмаслиги эркин иқтисодиёт ва рақобат шароитида бир қадар молиявий барқарор автотранспорт корхоналарининг ҳам ташиш сифатини ошириш ва бошқарувда илғор ёндашувлардан фойдаланиш имкониятларини чегаралаб қўйган. Шундай экан иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолининг ташувларга бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда автомобил транспортини ривожлантириш, транспорт хизматлари бозорида бозор муносабатларини ва рақобат муҳитини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни таъминлаш бугунги кун давр талабидир. Кейинги йилларда автомобил транспорти соҳасида олиб борилаётган институтчионал ва ҳуқуқий ислохотларнинг мақсади – бу транспорт хизматларини янгиликка

асосланган автомобил транспорти фаолиятини яхшилаш, ушбу секторга турли инновацион ғояларни, лойиҳаларни қўллаган ҳолда йўловчиларни жалб этишдан иборатдир.

Автомобил транспортида инновацион менежмент – бу инновацион жараёнлар, инновацион фаолият, инновацион технология, инновацион услуб, ушбу фаолият билан банд бўлган ташкилий тузилмалар ва уларнинг ходимларини инновацион бошқариш тамойиллари, усуллари ва шаклларнинг инновацион мақсад йўлидаги мажмуасидир.

Инновацион мақсадларга эришиш учун автотанспорт корхонасининг инновацион салоҳияти муҳим аҳамият касб этади. Инновацион салоҳият автотанспорт корхонаси фаолиятининг жони, унинг моҳияти ҳисобланади.

Давлатнинг турли мулкчилик шаклидаги автотанспорт корхоналарини инновацион салоҳиятини баҳолашда қуйидагиларни аниқ белгилаш лозим:

- автотанспорт корхонаси инновацияларнинг рискли йўлига қадам қўйишга ундовчи стимуллар;
- автотанспорт корхоналар учун инновацияларни амалга ошириш.

Одатда автотанспорт корхоналарнинг инновацияларга стимули уларнинг сифатли, рақобатбардош ва янгидан-янги хизмат турларини кўрсатиш ёки янада самарали ва модификацияланган технологиялардан фойдаланиш асосида олаётган фойда миқдорини оширишга интилиши билан боғланади.

Автотанспорт корхонасининг инновацион салоҳиятини унинг ривожланишга тайёргарлик даражаси ва етарли ресурслар мавжудлиги ташкил этади. Ушбу ресурслар таркибига қуйидагилар киради:

- ишлаб чиқариш салоҳияти (янги технологияларни жорий этиш даражаси ва ривожлантириш имкониятлари);
- ходимлар салоҳияти (янгиликларни яратиш ёки жорий этишга қобил ходимлар мавжудлиги, ходимлар лаёқатлиги ва бошқалар);
- инвестицион салоҳият (технологияларни такомиллаштириш ёки янгиларини жорий этиш учун молиявий имкониятлар ёки уларни жалб этиш қобилияти).

Автотанспорт корхонасида инновация жараёнларини шакллантиришга, ривожланишига ва жадаллашишига қўйидагилар таъсир ўтказади:

1. Билимлар даражаси. Билимлар даражаси дунё миқёсида, давлат миқёсида ва корхона миқёсидаги билимлар даражаси бўлиши мумкин.

Ўз навбатида билимлар даражаси учта таркибий қисмдан иборат:

- умумфан билимлари (яъни, дунё бўйича шу корхонада яратилган тажриба, фундаментал изланишлар натижаси ва бошқалар);

- махсус билимлар (илмий-тадқиқот изланиш натижалари – патентлар, ноу-хаулар, усуллар);

- инновацияларга оид корхонада илмий-техника базаси (мутахассислар борлиги, уларнинг етуклик даражаси ва бошқалар).

Ушбу уч таркибий қисмларнинг миқдори ва ўзаро нисбати корхона инновацион салоҳиятини баҳолаш имконини беради.

2. Молиявий имкониятлар инновация лойиҳаларини молиялаштириш имконини ва молиялаштириш тизимининг ривожланганлигини ўз ичига олади.

3. Инновацион бошқарув. Янгиликни қўллаб, фаолиятни ташкил этадиган бошқарув тизими, тузилмаси ва менежерларидир.

4. Ишлаб чиқаришга янгиликларни жорий этиш ва инновацион фаолиятни бошқаришда корхоналардаги малакали кадрлар салоҳиятидан унумли фойдаланиш учун фаолиятни режалаштириш ва мақсадли дастурлар асосида амалга ошириш керак.

Инновацион фаолиятни бошқаришда корхоналардаги инноватор кадрлар (кадрлар, бу бошқарув тизими таркибига кирувчи малакали ходимларнинг асосий қисми) потенциалидан унумли фойдаланиш учун фаолиятни режалаштириш ва мақсадли дастурлар асосида амалга ошириш керак. Хусусан:

- Инновацион фаолият учун иштирокчилар танлаш, саралаш, яъни муҳитга мос инновацион жамоани шакллантириш;

- Инновацион жамоага ваколат (масъулият, ҳуқуқ доирасида бурч ва вазифалар бериш);

- Инновацион фаолиятни башоратлаштириш;

- Стратегик бошқарув тамойилларига риоя этган ҳолда инновацион жараёнларни лойиҳалаштириш;

- Инновацион мақсад йўлида ресурсларни ҳаракатга келтириш.

Автотанспорт корхонасида хизмат турларини кенгайтириш ва инновацион бошқариш жаъми мавжуд ресурслардан самарали фойдаланишни талаб қилади, ҳамда корхоналар инновацион фаолиятига ва шу билан инновацион менежментига бир қатор вазифалар қўяди:

- ✓ корхоналарнинг ички имкониятларини аниқлаш ва фойдаланиш;
- ✓ ўз муҳандислик потенциалини ошириш;
- ✓ технологик қайта қуrollанишга алоҳида эътибор бериш;
- ✓ доимий ўзгаришлар руҳини шакллантириш;
- ✓ корхонада ижодкорлик муҳитини яратиш ва ривожлантириш.


Инновация жараёнларини бошқариш корхона менежерига қуйидаги талабларни қўяди:

- корхона истиқболини ва мавжуд муаммоларини яхши билиш;
- корхонада чуқур, мустаҳкам билимларга эга бўлиш;
- маълум ижодкорлик қобилиятларига эга бўлиш;
- истиқболли натижа берадиган фаолият учун ўзининг маъсулиятини сезиш ҳамда вақт ва ресурслар ажратиб бориш;
- ижодкорлик ва ўзгаришларга тайёрлик муҳитини яратиш.

Демак, корхонада амалга ошириладиган инновация тадбирлари муваффақиятини таъминловчи омиллардан энг асосийси – бу инсон омилidir, яъни корхона менежери. Корхона фаолиятини инновацион ўсишини таъминловчи бошқарувнинг асосий бизнес моделини қуйидаги - расм орқали ифодалаш мумкин.

Автомобил транспортини инновацион бошқарув орқали ижодий жамоаларни ташкил қилиш, янгиликларни қидириб топиш ва тарқатиш, илмий тадқиқотлар ва ишламаларга буюртмалар портфелини шакллантириш

вазифаларини бажара туриб, ҳар хил ташкилий тузилмаларда инновацион ҳаракатни қўллаш лозим.



**2.8- расм. Корхона инновацион ўсишини тامينловчи бошқарувнинг бизнес модели**

Шаҳар йўловчи ташиш тизими фаолиятида инновацион менежментни қўллаш, унинг ички ва ташқи эҳтиёжларини қондириш мақсадида барча ишлаб чиқариш тизимларини янгилаш ҳисобига, хизмат кўрсатишнинг самарадорлигини ошириш, илмий, илмий – техник, ақлий ва иқтисодий салоҳиятлардан самарали фойдаланиш асосида тизимнинг рақобат афзалликларини кўтариш мумкин.

### **2.3. Автотранспорт корхоналарида инновацион бошқарув ва унинг муҳтига таъсир этувчи омилларни тизимлаштириш**

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш жараёнининг самарадорлигини ошириш, иқтисодиётнинг барқарор ва оқилона нисбатларда ривожланишини таъминлаш, бозор талаблари асосида иқтисодиёт тармоқларини таркибий ўзгаришининг амалга оширилиши ишлаб чиқариш жараёнини модернизация қилиш даражасига боғлиқ. Бунда эса истеъмол товарларини жаҳон бозорига олиб чиқувчи транспорт инфраструктурасида амалга оширилаётган инновацион жараёнларнинг роли катта. Республикада инвестицияга асосланган миллий инновацион тизимни яратиш биринчидан иқтисодий тараққиётнинг асоси, иккинчидан эса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози олдини олиш чора ва тадбирларидан биридир.

2012 йилда мамлакатимиз иқтисодиётига 11 миллиард 700 миллион доллар миқдорида ички ва хорижий инвестициялар жалб этилди, бу борадаги кўрсаткич 2011 йилга нисбатан 14 фоизга ўсди. Жами инвестицияларнинг 22 фоиздан ёки 2 миллиард 500 миллион доллардан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил этди, уларнинг 79 фоиздан кўпроғи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир. Эътиборга сазовор томони шуки, жами инвестицияларнинг қарийб 74 фоизи ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилашга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга, янги асбоб-ускуна ва технологияларни сотиб олишга йўналтирилди[16].

Маълумки, менежмент - аввало, янгиликларни доимо киритиш асосида бошқаришдир. Инновациялар - менежментнинг муҳим ташкилий бўлаги бўлиб, иқтисодиётнинг барча соҳаларида мунтазам янгиланиб борадиган жараён ҳисобланади. Инновация нафақат техник ва технологик ишланмаларни ўз ичига олади, балки корхона фаолиятининг барча томонларини яхшилашга имконият яратади. Инновация жараёни корхоналарнинг ҳар бир таркибий қисмида фаолиятнинг рентабеллигини назорат қилиш билан корхона турли соҳа фаолиятининг мувозангatlanганлигини ташкиллаштиришдир.

Инновацион бошқарувни ривожлантириш зарурати қуйидаги омиллар билан шартланади:

- иқтисодий фаолиятнинг барча соҳаларида инновацияларни қўллашга кўмаклашувчи ишлаб чиқаришнинг интенсив омили ролини ошириш;

- ишлаб чиқиш самарадорлигини кўтаришда фаннинг муҳим роли ва янги техникани жорий этиш;

- яратиш муддатларини сезиларли қисқартириш зарурати, янги техникани ўзлаштириш, ишлаб чиқаришнинг техник даражасини кўтариш, ихтирочи ва рационализаторлар ижодини оммавий ривожлантириш зарурати;

- сарф-харажат ортиши ва янги транспорт-логистика хизматларини ўзлаштиришда автотранспорт корхоналарининг иқтисодий кўрсаткичлари пасайишида; транспорт воситалари ва ташиш технологияларининг шиддатли маънавий эскиришида; янги техника ва технологияни тезкор татбиқ этишнинг объектив зарурати билан ва ҳ.к.

Инновацион фаолиятни қайтадан ташкил этиш ходимлар ижодий салоҳиятидан янада тўларок фойдаланиш имконини берадиган ташкилий муносабатларни яратишни назарда тутди. Бундай алоқаларнинг қуйидаги умумий хусусиятларини ажратиб ифодалаш мумкин:

- инновация фаолиятининг раҳбарият томонидан сўзсиз қўллаб-қувватланиши ижодий изланишга ва янгиликларни амалга оширишга алоҳида муҳит яратишга имконият беради;

- ташкилотнинг барча босқичларида ва барча бўлимларида тажриба ўтказувчиларга ҳар томонлама ёрдам бериш. Бундай менежерлар янги ғояларни сундирадиган сансоларлик, қотиб қолган фикрларга нисбатан самарали курашни қурадилар;

- коммуникацияларнинг юқори даражаси ва мунтазам такомиллаштириш;

- муаммоларга ҳар томонлама ҳужум қилинганда янги ахборот ва бошқаришнинг ҳар бир бўғинида алоқалар комбинациялари вужудга келади, натижада бошқаришнинг ҳар бир босқичида ечим вужудга келади. Шунинг

учун инновацион бўлинмалар ва айрим ходимлар ўртасида ахборот айланишини кучайтиришга ҳаракат қиладилар;

- инновацион фаолиятни моддий рағбатлантиришнинг ҳар хил шакли ва усуллари ўз ичига олган мотивация мажмуи, бундан ташқари, ишчиларга жисмоний руҳий таъсир ўтказишнинг кенг қўламли чораларидан фойдаланиш.

- бошқаришда иштирок этиш деб аталган услубни қўллаш. Ходимлар инновация жараёнининг барча босқичларига ва қарорларини қабул қилишга жалб қилиниши керак. Бундай қатнашиш ходимларнинг технологик ва ташкилий янгиликни киритишга қаршилигининг олдини олади, ишлаб чиқариш фаолияти кўрсаткичларини яхшилашга имконият яратади;

- ходимларнинг ўз билимларини ошириб бориши узлуксизлиги, тобора кучайиб бораётган рақобат кураши шароитида янгилик ва хизмат сифати, ходимларнинг юқори мутахассисликка эгалиги, унинг қобилияти ва янги технологияни ижодий ўзлаштиришга бўлган ҳоҳиши муваффақиятга эришишнинг муҳим омилига айланади. Шунинг учун ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳар томонлама юқори раҳбарлар томонидан қўллаб-қувватланади ҳамда корхона ишининг муҳим қисми ҳозирги тез ўзгарадиган устувор мавзёга эга бўлишнинг асосий воситаси сифатида баҳоланади.

Инновацион фаолият билан шуғулланувчи автокорхоналарнинг илмий натижаларини ишлаб чиқаришга татбиқ этишда молиявий қийинчиликларга дуч келиш ҳоллари мавжуд. Ундан ташқари, инновацион жараёни ривожлантиришда олий ўқув юртлари билан автокорхоналарнинг ўртасида илмий-тадқиқотларни олиб бориш ва натижаларини амалиётга қўллашдаги иқтисодий муносабатларни талаб даражасида эмаслиги, мавжуд бўлган илмий кашфиётлардан етарли даражада самарали фойдаланишга имкон бермаяпти.

Инновацион бошқарув корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлиб келган ва ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Мазкур омилдан қуйидаги йўллар билан фойдаланиш мумкин:

- \* ишлаб чиқариш ва меҳнатни механизациялаштириш, автоматлаштириш ҳамда комплекс равишдаги механизациялаштириш;
- \* асосий технологик жараёнларни рақобатлаштириш;
- \* прогрессив, меҳнат ҳамда ресурсларни тежашга йўналтирилган технологик жараёнларни амалиётга киритиш ва улардан кенг фойдаланиш;
- \* хом ашё ва материаллар (меҳнат предметлари) замонавий турларини яратиш ва улардан фойдаланиш;
- \* ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, режалаштириш ва бошқариш жараёнларида замонавий ахборот технологияларидан, ҳисоблаш техникасидан фойдаланиш;
- \* ишлаб чиқариш ва меҳнатни илмий ташкил қилиш.

Ташкилотнинг инновацион сиёсати билан боғлиқ қарорларни қабул қилиш ва уни амалга ошириш доирасида бажарилиши лозим бўлган вазифалар бошқарувнинг турли поғоналарида, автомобил корхонаси марказий бошқарув органидан тортиб то унинг таркибидаги корхоналар, цехлар, участкалар ва бўлимлар миқёсигача, турлича ҳал этилади. Уни амалга ошириш жараёнига кўплаб омиллар таъсир қилади. Бу омилларнинг ўзаро таъсири ҳар бир тармоқда ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, вақт давомида ўзгариб туради ҳамда доим бир-биридан фарқ қилади.

Шу нуқтаи-назардан ҳар қандай корхонанинг инновацион фаолиятига таъсир кўрсатувчи омилларни ташқи ва ички омилларга бўлиш мумкин.

Корхонанинг қай даражада мувафаққият билан фаолият юритишига бевосита таъсир кўрсатадиган, бироқ унга боғлиқ бўлмаган ташқи омиллар ва кучлар корхонанинг ташқи муҳитини белгилаб беради. Буларга маҳсулот етказиб берувчилар, воситачилар, истеъмолчилар, рақобатчилар, банк-молия муассасалари, давлат бошқарув органлари, оммавий ахборот воситаларининг фаолияти, шунингдек сиёсий, ҳуқуқий, илмий-техникавий, табиий, маданий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа омиллар киради.

Ички омилларга ташкилот томонидан назорат эта олинадиган, унинг бевосита ишлаб чиқариш, молия-хўжалик ва бошқарув фаолияти билан боғлиқ

омиллар ишлаб чиқариш қуввати, маҳсулот, ходимлар,баҳо, сотиш шаҳобчалари,бошқарув тизими ва бошқаларни ўз ичига олади.

Транспорт тизимида инновацион бошқариш нафақат техникавий ва технологик жиҳатдан ишлаб чиқаришни такомиллаштириш билан, балки, унинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ошириш билан ҳам долзарб ҳисобланади. Транспорт тизимида инновацион бошқариш инновацион лойиҳа(ғоя)ларнинг амалга ошиш жараёнида ўз ифодасини топади.

Йўловчи транспорти инновацион бошқарувига бир қатор омиллар таъсир этади (2.8-жадвал).

## 2.8-жадвал

### Инновацион бошқарувни ривожланишига таъсир этувчи омиллар

| Инновацион бошқарувни ривожланишига таъсир этувчи омиллар | Инновацион бошқарувнинг ривожланишига салбий таъсир этувчи омиллар                                                                                                                         | Инновацион бошқарувнинг ривожланишига ижобий таъсир этувчи омиллар                                                                                                              |
|-----------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Иқтисодий                                                 | Инвестиция маблағларининг етишмаслиги                                                                                                                                                      | Зарурий молиявий захираларнинг мавжудлиги                                                                                                                                       |
| Технологик                                                | Моддий-техника ва илмий-техникавий ишлар учун зарур бўлган шароитларнинг талабга жавоб бермаслиги. Мавжуд технологияларининг эскилиги ва ҳоказо                                            | Етарли даражада моддий-техникавий базанинг ва ишлаб чиқариш технологиялари, хўжалик ҳамда илмий-техникавий инфратўзилманинг мавжудлиги                                          |
| Сиёсий                                                    | Антимонопол қонунлар томонидан чекланганлиги                                                                                                                                               | Қонуний чора-тадбирларнинг яратилиши                                                                                                                                            |
| Ҳуқуқий                                                   | Солиқ, амортизация, патентлаш ва лицензиялаштиришнинг талабга жавоб бермаслиги                                                                                                             | Инновацион фаолиятнинг ривожланишини ҳуқуқий таъминлаш                                                                                                                          |
| Ташкилий                                                  | Ташкилий таркибларнинг эскириши                                                                                                                                                            | Бозор шароитларидан келиб чиққан ҳолда ташкилий таркибни такомиллаштиришга мойиллиги                                                                                            |
| Бошқарув                                                  | Марказлаштирилган авторитар бошқарув, ахборотлар билан таъминлашнинг ва субъектлар ҳамда ички субъектлар муносабатларининг мураккаблиги. Инновацион жараён бўйича келишувнинг мураккаблиги | Ишлаб чиқариш ташкилий тизимининг муқобиллиги, демократик бошқарувга асосланиши, ахборотлар билан таъминланиши. Инновацион жараёни амалга оширишда умумий мақсаднинг шаклланиши |

|                     |                                                                                                                                                                                                                      |                                                                                                                                                               |
|---------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Ижтимоий-психологик | Ишлаб чиқариш йўналишининг ўзгариши асосида янги иш жойларининг мослашуви, мавжуд ишлаб чиқариш фаолиятини қайта ташкил этиш. Ишлаб чиқариш эски усуллариининг мавжудлиги, ишлаб чиқариш олдидаги қўрқув, омадсизлик | Маънавий рағбатлантириш. Ижтимоий тан олиш, инновацион меҳнатга шароит яратиш, талаб даражасида психологик шароитлар яратилиши                                |
| Маданий             | Субъектлар ўртасидаги ижтимоий, иқтисодий ва маданий муносабатларнинг талабга жавоб бермаслиги, ишончга, ҳурматга асосланмаганлиги                                                                                   | Ўзининг инновацион маҳоратини кўрсатишга шароитнинг мавжудлиги. Субъектлар ўртасидаги муносабатлар тенглик, ишончлилик муносабатларига ва ҳурматга асосланиши |

Ушбу омиллар ва кучлар таъсирини тўғри баҳолай олиш ва ташкилот фаолиятининг ташқи муҳитга мослашучанлигини таъминлаш орқали инновация фаолиятини самарали бошқаришга эришиш мумкин.

Айтиш мумкинки, хизмат кўрсатиш жараёнида илмий-техникавий ишланмаларни қўлланилиши натижасида улар илмий-техникавий инновация маҳсулотларига айланади.

Инновациялар - янгилик яратишнинг алоҳида ижодкорлик жараёнидир, хўжалик жараёни, унинг замирида мунтазам янги имкониятларни излаш, инновацияларга йуналтирилганлик ётади. Унинг уч асосий тури мавжуд бўлиб, қуйидагиларга қаратилган:

- транспорт хизматлари инновациялари;
- ташиш технологиялари инновациялари;
- ижтимоий инновациялар.

Илмий-техник маҳсулот (товар, хизмат)лар ишлаб чиқариш учун корхонага, шунингдек, иншоот кўринишида асосий воситалар, бино, махсус асбоб-ускуна, асбоб ва бошқалар зарур. Ташкилот уларни сотиб олиши ёки асосий восита эгаларидан маълум вақтга ижарага олиши мумкин.

Корхона инновацион фаолиятни татбиқ қилишда зарур бўлган айрим иш ва хизматларни бажариш учун буюртмаларни пулли асосда талабгор ташкилотларда жойлаштириши мумкин (Ду).

Инновацион фаолиятни амалга ошириш учун зарур пул маблағларига эҳтиёж мос равишда қуйидаги формула орқали баҳоланади:

$$Д = Дм + До + Др + Ди + Дк + Ду \quad (2.1)$$

Бунда: Дм - материаллар, хомашё, энергия, ярим тайёр маҳсулотлар сотиб олиш учун зарурий пул маблағлари;

До – транспорт воситалари, меҳнат воситалари, бинолардан фойдаланиш билан боғлиқ харажатлар;

Др - ёлланган ишчиларга иш ҳақи учун зарур пул маблағлари;

Ди - қўшимча ахборот олиш учун зарур пул маблағлари;

Дк - кредит маблағлардан фойдаланилганлик учун тўланадиган пул маблағлари;

Ду - тарафдор ташкилот ва шахсларнинг хизматлари тўлови.

Инновацион фаолият натижаси сифатида тайёр маҳсулот ёки хизматлар юзага келади. Уни корхона, инновацион маҳсулот истеъмолчиси корхона ва инновацион фаолиятни амалга оширишдаги сарф-харажатлар ва даромадини ўз ичига олган баҳода сотади.

Шундай қилиб, инновацион бошқарув хўжалик юритишнинг алоҳида ижодкорликни талаб этадиган жараён бўлиб, унинг асосида янги имкониятларни мунтазам излаш, инновацияга йўналтирилганлик, турли-туман манбалардан доимий масалаларни ҳал этиш учун ресурслар излашни уддалаш ва улардан фойдаланиш демакдир.

Инновацион бошқарув - бир пайтнинг ўзида ҳам иқтисодий ҳолат, ҳам жараёндир. Иқтисодий ҳолат сифатида у истеъмолчиларга маълум тавсифларни (иш хизмат), зарур натижани олиш бўйича ишлаб чиқариш ва сотиш, ишлаб чиқариш муносабатларининг шакли сифатида намоён бўлади.

Жараён сифатида ҳаракатларнинг - инновацион ғояни излашдан бошлаб, ташкилотнинг истеъмолчилар учун зарур транспорт хизматлари кўрсатишга имкон берадиган аниқ лойиҳасига айланишига қадар мураккаб занжирни ўзида акс эттиради. Фикримизча, ушбу жараён фойданинг маълум ҳажмини қўлга

киритиш билан ниҳояланади. Бунда инновацион бошқарувнинг асосий йуналишларини ажратиб кўрсатсак:

- ишлаб чиқариш бошқариш тизимининг ўзгартирилиши;
- янги техника ёки технологияни қўллаш;
- ташиш таннархини пасайтириш асосида тежамкорликка эришиш ;
- корхонанинг реклама компаниясини ташкил этиш тизимини янгиланиши

ва ҳ.к.

Янгиликларни амалга ошириш маълум даражада хавф билан боғлиқ; бўлиб, инновацион жараённинг одатдаги хусусияти муваффақиятсизлик ҳисобланади. Шунинг учун олий менежерларнинг таваккал иш тутишга тайёр бўлиши, муваффақиятсизликка сабрли бўлишлари, ходимлар олдида ташаббускорлик ғояси обрўини тўкмаслик зарурат ҳисобланади.

Инновацияни бошқариш шаклининг тарафдорлари фаолият соҳа устига қўйган бўлинмалардан чегара деб, ташкилот учун хатто фойдали деб ҳисоблайдилар. Бундай ҳолат турли хизмат ишчилари ўртасида норасмий муносабатларни рағбатлантиради ва бундай муносабатлар янги ғояларнинг яратилиш эҳтимолини оширади.

## II боб бўйича хулоса.

1. Тошкент шаҳри ривожланган транспорт инфратузилмасига эга бўлиб, шаҳар майдонининг барча ҳудудларини қамраб олади. Кейинги йилларда Тошкент шаҳри аҳолисига транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш транспорти ишини ривожлантириш, транспорт хизмати кўрсатиш маданияти ва сифатини яхшилаш, жумладан транспорт корхоналарининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида бир қанча ишлар олиб борилмоқда. Ҳозирги кунга келиб, “Тошшаҳартрансхизмат” уюшмасига қарашли 10 та автобус саройлари томонидан 28 дона автобус Тошкент шаҳри аҳолисига транспорт хизматлари кўрсатишни бошлаган. Қолаверса, 2013 йил май ойидан бошлаб, "12-Автобус саройи" ОАЖ Самарқанд автомобил заводида ишлаб чиқарилган

"SAMAUTO LE 60" номли янги, жаҳон талабларига тўла жавоб берувчи шаҳар автобусини синовдан ўтказилмоқда.

2. Бугунги кунда автомобиль транспорти нодавлат сектор етакчи ўринни эгалламоқда. Мулкнинг нодавлат туридаги корхоналар томонидан автомобил транспортида юк ташишларнинг деярли 90 % и ва йўловчи ташишларнинг 100 % амалга оширилади.

3. Транспортнинг яхши ишлашини белгиловчи муҳим омиллардан бири унинг йўловчилар ташиш мунтазамлигидир. Тошкент шаҳридаги мавжуд барча йўналишлар тармоғини тартибга солиб, мақбуллаштириш, уларнинг назоратини олиб боришда янги инновацион ғояларни, технологияларни қўллаш транспорт тизимини самарадорлигини ошириш омилидир.

4. Автомобил транспортини инновацион бошқариш орқали ижодий жамоаларни ташкил қилиш, янгиликларни қидириб топиш ва тарқатиш, илмий тадқиқотлар ва ишламаларга буюртмалар портфелини шакллантириш вазифаларини бажара туриб, ҳар хил ташкилий тузилмаларда инновацион ҳаракатни қўллаш демакдир.

5. Йўловчи транспорти инновацион бошқарувига бир қатор омиллар таъсир этади. Ушбу омиллар ва кучлар таъсирини тўғри баҳолай олиш ва ташкилот фаолиятининг ташқи муҳитга мослашучанлигини таъминлаш орқали инновация фаолиятини самарали бошқаришга эришиш мумкин.

6. Иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолининг ташувларга бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда автомобил транспортини ривожлантириш, транспорт хизматлари бозорида бозор муносабатларини ва рақобат муҳитини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни таъминлаш бугунги кун давр талабидир.

### **III боб. Автотранспорт корхонасида инновацион бошқарувни такомиллаштириш ва унинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш**

#### **3.1. Инновацион фаолият бошқарувини такомиллаштиришга услубий ёндашув**

Шуни таъкидлаш лозимки, инновацион фаолиятга етарли даражада эътибор бермайдиган, ушбу фаолиятни такомиллаштиришга интилмайдиган корхоналар изчиллик билан ўзгараётган замонавий иқтисодиётда охир оқибат таназзулга учрайдилар. Ўз истикболи ҳақида қайғурувчи ташкилот, инновацион фаолиятни такомиллаштиришда қуйидаги стратегияларни қўллаши мақсадга мувофиқдир.

Биринчи стратегия – янги бозорларни яратиш, эгаллаш. Бизнес муҳит учун кутилмаган, транспорт бозорида ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган янги хизматлар тури ва бозор сегментини очиш ушбу стратегияга амал қилиш асоси саналади.

Иккинчи стратегия – мавжуд бозорларни кенгайтириш. Инновацион фаолият шу кунгача одатий бўлган шаҳар йўловчи транспорти хизматларидан қайси биригадир янгича ҳаёт бағишлаш мумкин. Бунинг учун шу хизмат истеъмочиларининг ўзгарган талаблари синчиклаб ўрганилиши ва уларнинг хоҳиш-истакларига мос равишда ўзгаришлар амалга оширилиши керак бўлади.

Учинчи стратегия – янги бозорларга кириб бориш. Бу стратегия қайсидир корхона ёки корхоналар гуруҳи томонидан эгалланган бозорга кириб боришни назарда тўтади. “Тошаҳартрансхизмат” уюшмаси хусусий транспорт томонидан эгалланган йўналишлар бўйича янги қатновларни ташкил этиш ёки бозордаги улушини оширишга қаратилган инновацион фаолиятни жадаллаштиришига нима тўсқинлик қилади?

Инновацион фаолиятнинг самарасиз якунланиши қуйидаги салбий ҳолатларнинг мавжудлиги оқибатида юз бериши мумкин:

– *инновацион лойиҳаларни амалга оширишдаги сусткашлик.* Инновацион фаолиятни бошқарувчи айрим менежерлар инновацион ишланмаларни амалга ошириш суръатларида сусткашликка йўл қўйишади. Технологик янгиликларга

эғалик қилиш имконияти ошган, маҳсулотнинг ҳаёт йўли қисқарган ҳозирги шароитда бозордаги сусткашлик «ўлим» билан баробардир. Корхона янгилик яратиш ва уни амалиётга жорий этишга шошилмаса мазкур ишланманинг қиймати ошиб бораверади. Таҳлилчиларнинг гувоҳлик беришича янги маҳсулотни амалиётга жорий этишни олти ойга кечиктириш корхона фойдасининг 33 фоизгача камайишига олиб келса, лойиҳани ишлаб чиқиш харажатларининг 30 фоизга ортиши фойданинг 2 фоизгагина камайишига сабаб бўлар экан[26];

– *эски хизмат кўрсатишга нисбатан яққол устунликнинг йўқлиги.* Истеъмолчилар янги маҳсулотнинг эскисидан фарқини ажратиша олмаса, унда инновацион лойиҳа муваффақиятсизликка учрайди. Шунинг учун янги маҳсулотнинг эскисига нисбатан фарқларини яққол кўрсатувчи сиёсатни устамонлик билан олиб бориш керак;

– *янги хизмат кўрсатиш жараёнини номукамал режалаштириш.* Янги хизмат турини яратиш мураккаб жараён бўлиб, кўпчиликнинг иштироки ва лойиҳани амалга оширишнинг аниқ дастурини ишлаб чиқаришни тақозо этади. Бозорни тадқиқ этмаслик, сегментлаш жараёнидаги хатолар, аниқ мақсадларнинг йўқлиги, лойиҳа бюджети устидан назоратнинг сустлиги, маҳсулотни бозорга чиқариш стратегияларини танлашдаги камчиликлар режалаштиришдаги номукамаллик натижасида юз бериши мумкин бўлган ҳолатлардир.

– *менежерларнинг бефарқлиги.* Айрим менежерлар янги хизмат турларини яратиш зарурияти ҳақида ўйлаб ҳам кўришмайди. Уларнинг фикрича, янги хизматни яратишга кетадиган харажатлар, жуда катта ҳажмда ишлаб чиқаришга зарур бўлган ресурсларнинг бир қисмини номуносиб жалб қилар эмиш. Менежерларнинг янги маҳсулотга бўлган бу даражадаги бефарқлиги охир-оқибатда фаолиятни муваффақиятсизликка олиб келади.

Юқорида келтирилган мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, шаҳар йўловчи транспортида инновацион стратегияни шакллантиришнинг услубий асослари таклиф этилади. Янги вазифалар турли поғонадаги бошқарув

тизимлари ва иштирокчилари ўртасида янгича алоқалар тизимини жорий этишни талаб этади. Қўйилган вазифаларни бажарилишига эриши учун: мавжуд бошқарув тизимининг инновацион лойиҳаларни амалга оширишга мувофиқлигини аниқлаш, бошқарувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлаштириш, молиявий ва ахборот оқимлари мутаносиблигини таъминлашни талаб этилади.

Инновация жараёнларини бошқариш стратегиясини шакллантиришда асосий эътибор йўловчи транспорти хизматлари кўрсатиш рақобатдошлигини оширишга қаратилмоғи лозим. Фикримизча у энг аввало транспорт хизматлари сифатини англантиб, қўйидаги параметрлар орқали баҳоланши мумкин:

- хизмат кўрсатувчи ҳаракатдаги таркибнинг яроқлилигини баҳолаш, ташишлар ва кўрсатилаётган хизматлар мувофиқлиги муҳим хусусият ҳисобланиб, уларнинг амалдаги меъёрларга мувофиқлигини таъминлаш;
- шаҳарда автобус корхоналарини, ташиш усуллари ва технологияларини сифат тавсифлари юзасидан ўрганиш.
- истеъмолчи талабини тўлиқ қонириш юзасидан чора тадбирлар ташкил этиш ва уларни амалга ошириш.

Автомобил транспорт корхона рақобатдошлик кўрсаткичларини баҳолаш усуллари кўллаб, улардан асосийларини санаб ўтамиз:

- ташишда талаб ва таклиф мувофиқлиги;
- транспорт хизмати кўрсатиш сифати;
- ташишдан олинadиган даромад ва харажатлар мувофиқлиги;
- хизматлар кўрсати ва ташиш ҳажми;
- транспорт корхоналарининг ресурслари ва улардан фойдаланиш самарадорлиги.

Автомобил транспорти корхонаси рақобатдошлигининг интеграл кўрсаткичи қўйидагича аниқланади:

$$K_x = (K_{\text{сп}} + K_{\text{к}} + K_{\text{п}} + K_{\text{в}} + K_{\text{р}}) / N \quad (3.1)$$

Бу ерда:  $N$  – кўрсаткичлар сони,  $K_{сп}$  – талаб таклиф коэффиценти,  $K_k$  – сифат коэффиценти,  $K_n$  – харажат ва даромад мувофиқлиги коэффиценти,  $K_B$  – ташиш турлари коэффиценти,  $K_p$  – ресурслар коэффиценти.

Ушбу ифода ёрдамида рақобатдош субъектлар устунликлари баҳоланади ва уларнинг йўловчи автомобил транспорти хизмати кўрсатиш бозори эҳтиёжларини тўлиқ қолдириш имкониятларини аниқлаштириш мумкин.

Инновацион бошқарувнинг асосий вазифаси бўлиб стратегик, тактик ва тезкор даражаларда инновацион ишланмаларни лойиҳалаштириш, жорий этиш, алоҳида янги транспорт-логистик хизматларни яратилишини бошқариш, уларни реал вақт шароитида ташқи ва ички омилларга таъсирига мослашувини таъминлашдан иборатдир (3.1-расм).


|                                 |   |                                                                                                                                                |
|---------------------------------|---|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Бошқарувнинг стратегик даражаси | 1 | Автотранспорт корхонасининг инновацион салоҳиятини баҳолаш ва унинг қўйилган ривожлантириш мақсадларига мувофиқлигини аниқлаш                  |
|                                 | 2 | Ўз инновацион тузилмасини яратиш ёки унинг фаолиятини такомиллаштириш борасида илмий-тадқиқот муассасалари билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш |
| Бошқарувнинг тактик даражаси    | 3 | Инновацион мақсадларга эришиш учун илмий-техникавий ишланмаларни ишлаб чиқиш                                                                   |
|                                 | 4 | Инновациялар портфелини шакллантириш ва инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш                                                                     |
|                                 | 5 | Инновацион лойиҳаларни ҳудудий ва давлат инновация дастурлари билан мувофиқлаштириш.                                                           |
| Бошқарувнинг тезкор даражаси    | 6 | Ташкилий-тузилмавий ўзгаришларни амалга ошириш                                                                                                 |
|                                 | 7 | Инновацион лойиҳаларни рўёбга чиқариш                                                                                                          |

### 3.1-расм. Инновацион фаолиятни бошқариш поғоналари

Инновацион фаолиятни бошқариш инновацион салоҳиятдан оқилона фойдаланишни ҳамда бундай фаолият иштирокчиларининг ҳамжиҳатлиги ва самарали фаолиятини таъминловчи тамойиллар асосида амалга оширилади. Ушбу тамойиллар қуйидагиларга бўлиниши мумкин:

- инновацион фаолиятни бошқариш стратегиясини тезкор даражага ўткази олиш;
- автокорхона стратегиясининг инновацион имкониятларга мослиги;
- инновацион фаолиятни барча ходимларнинг кундалик фаолият тури сифатида қараш;
- инновацион фаолият узлуксиз жараён;
- инновацион фаолиятни такомиллаштириш автокорхона раҳбарияти фаолияти натижасидир.


Ушбу тамойилларни қўллаш натижасида инновацион фаолиятни бошқариш стратегиясининг картасини ишлаб чиқиш инновацион жараёнларни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини белгилаб беради ( 3.2- расм).



**3.2-расм. Инновацион фаолиятни бошқариш стратегияси**

Инновацион фаолиятни (ИФ) бошқариш концепциясининг асосий функциялари иштирокчиларнинг барқарор ва ҳамжиҳат фаолияти нуктаи назаридан шундан иборатки, улар: корпоратив мақсадларни белгилаб олиш, ходимларни сафарбар қилиш, мезонларнинг корпоратив мақсадларга мослигини аниқлаш, бошқарув мақсадаларига эришишнинг энг мақбул усул ва услубларини танлаш тизимини шакллантириш.

Шунинг учун ишимизда инновацион бошқарув тизимининг элементлари шакллантирилди (3.3-расм).



### 3.3-расм. Иновацион фаолиятни бошқариш тизими ва унинг элементлари

Ушбу тизим доирасида иновацион бошқарув тизими фаолиятини баҳоловчи мувоzanатлаш кўрсаткичлар тизими таклиф этилмоқда (-жадвал).

3.1-жадвал.

#### Иновацион фаолият бошқарувини тавсифловчи мувоzanатловчи кўрсаткичлар тизими

| Ташикл<br>этувчи | Умумлаштирувчи кўрсаткичлар                                                              | вазни |
|------------------|------------------------------------------------------------------------------------------|-------|
| Молиявий         | ИФ таркибини кенгайтириш                                                                 | 0,20  |
|                  | Даромаднинг ўсиши                                                                        | 0,35  |
|                  | Харажатларнинг тежалиши ва меҳнат унумдолигининг ўсиши                                   | 0,30  |
|                  | Иновацияларни яратиш ва жорий этиш тадбирларида активлардан фойдаланишни такомиллаштириш | 0,15  |
|                  | Молиявий ташикл этувчисининг жамланма кўрсаткичлари (МТ ЖК )                             | 1,00  |
| Мизозлар         | Маҳсулот ёки хизматларнинг тавсифи                                                       | 0,55  |
|                  | Имидж                                                                                    | 0,20  |
|                  | Ўзаро муносабатлар                                                                       | 0,25  |
|                  | Мижозлар ташикл этувчисининг жамланма кўрсаткичлари (МижТ ЖК )                           | 1,00  |
| Жараёнлар        | Стратегик жараёнлар                                                                      | 0,40  |
|                  | Тезкор жараёнлар                                                                         | 0,25  |
|                  | Мижозларни бошқариш жараёнлари                                                           | 0,20  |
|                  | Ҳуқуқий ва экологик жараёнлар                                                            | 0,15  |
|                  | Жараёнлар ташикл этувчисининг жамланма кўрсаткичлари (ЖТ ЖК )                            | 1,00  |
| Кадрлар          | Компетенциялар                                                                           | 0,55  |
|                  | Стратегик технологиялар                                                                  | 0,25  |
|                  | Корпоратив фаоллик                                                                       | 0,20  |
|                  | Кадрлар ташикл этувчисининг жамланма кўрсаткичлари (КТ ЖК )                              | 1,00  |
| Иновацион        | Ишлаб чиқаришнинг иновациявийлиги                                                        | 0,15  |
|                  | Сервиснинг иновациявийлиги                                                               | 0,15  |
|                  | Транспортнинг иновациявийлиги                                                            | 0,15  |
|                  | Инфратузилманинг иновациявийлиги                                                         | 0,15  |
|                  | Ташкилий иновациявийлик                                                                  | 0,15  |
|                  | Бошқарувнинг иновациявийлиги                                                             | 0,25  |
|                  | Иновацион ташикл этувчисининг жамланма кўрсаткичлари (ИТ ЖК )                            | 1,00  |

Умумлаштирувчи кўрсаткичлар «+ 1» дан «- 1» гача шкала асосида баҳоланиб, уларни баҳолашга экспертлар гуруҳи жалб этилади.

«- 1,0» дан «- 0,5»гача – критик даража, жуда ҳам паст барқарорлик, инновацион жараёнлар реинжиниринг қилинади;

«- 0,5» дан «0,0» гача – кўрсаткичнинг паст даражаси, ресурс таъминотининг етарли эмаслиги, ИФ фаолият иштирокчилари ўртасида ҳамжиҳатликнинг етарли эмаслиги, активлардан фойдаланиш самарадорлигининг пастлиги;

«0,0» дан «+0,5»гача – кўрсаткичнинг меъердаги даражаси, ресурс таъминотини кучайтириш лозим, ИФ фаолият иштирокчилари ўртасида ҳамжиҳатликнинг тартиблилиги ва ўз вақтидалиги, активлардан фойдаланиш самарадорлигининг барқарорлиги;

«+0,5» дан «+1,0»гача – кўрсаткичнинг юқори даражаси, инновацион жараёнларнинг барқарорлиг ресурс қайтими, ресурс тежамкорлиги имкониятларининг мавжудлиги.

Инновацион фаолият бошқарувини тавсифловчи мувозанатловчи кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш қуйидаги имкониятларни туғдиради:

– инновацион фаолият натижаларини баҳолаш ва кейинги тадбирлар учун тузатишлар киритишда универсаллик;

– инновацион фаолият жараёнларининг ўзгарувчан бозор шароитларига тез мослашуви. Бу жараёнларни нафақат назорат қилиш, балким стратегияга тегишли ўзгартиришлар киритиш имкониятини беради;

– инновацион фаолият жараёнларининг байналминаллашуви ва глобаллашуви шароитида корхона рақобатдошлигини ошириш.

Мазкур кўрсаткичлар тизимидан фойдаланишнинг кучли томонлари:

- корхонанинг инновацион салоҳиятини баҳолаш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш имкони туғилади;

– инновацияларни яратиш ва уларни татбиқ этиш бўйича конкрет тадбирларни амалга ошириш, асосий кўрсаткичларни назорат қилиш ва мониторингини олиб бориш;

– инновацион фаолиятнинг барча жабҳаларини график тарзда

интерпретациялаш, улар ўртасидаги ўзаро алоқадорликни инновацион жараён иштирокчилари манфаатларини ҳисобга олган белгилаш;

– кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш орқали эришилган натижаларни рағбатлантириш ҳисобига инновацион фаолият самарадорлигини ошириш.

#### Кучсиз томонлари:

– алоҳида ички ва ташқи омилларнинг инновацион фаолиятнинг ўзгаришига комплекс таъсир кўрсатиши;

– инновацион салоҳиятнинг комплекслиги учун айрим кўрсаткичлар аҳамиятини баҳолашнинг мураккаблиги;

– мувозанатланган кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш ва ундан фойдаланиш фақатгина биринчи раҳбарлар ихтиёрида бўлади ва бошқалар.

Хулоса қиладиган бўлсак, ҳозир янгиликларни излашни рағбатлантириш ва уни ўзлаштириш учун шароит яратиш муҳим аҳамият касб этади. Бу шароитда инновация корхона хўжалик фаолиятининг асосий элементи ва асосий ҳаракатлантирувчи кучи ҳамда унинг ривожланиши ҳисобланади. Янгиликлар корхонани яшаб қолиши узоқ келажакда бозорда ўз мавқеини сақлаб қолиши учун стратегик бошқаришда ҳал қилувчи вазифани ўйнайди. Агар ташкилот янгиликнинг табиий кечишига қарама-қарши бўладиган ҳолат сифатида қараса, у ҳеч қачон амалга ошмайди. Янгилик киритиш тадбирлари одатдаги, оддий ишнинг ажралмас қисми бўлиши керак. Бунинг учун инновацион фаолият жамоада ижодий муҳитни вужудга келтиришни талаб этади. Ходимни ҳафтада беш кун, саккиз соат ишлашга мажбур қилиш мумкин. Ходим масъулиятни ҳис қилгандагина фаолияти самара беради. Натижада сезилмаган ишонч, масъулият, эътибор сезиларли натижа – фойда беради. Демак, инновация муҳити – маълум ҳолатнинг вужудга келиши бўлиб, бунда инсон ўзини эркин ҳис қилади, тўлиқ асосланган ҳолда ижодий ишга тайёр бўлади.

### **3.2. Автотранспорт корхонасида инновацион бошқарув фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш**

Корхона инновация фаолиятининг натижаси янгиликларни амалга ошириш бўйича сарфланган харажатларга нисбатан унинг самарадорлик

даражаси билан аниқланади. Шундай экан, маҳсулотни янгилаш ёки яхшилаш, янги технологиялар жорий этиб харажатларни камайтириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, пировард натижада қўшимча фойда олиш билан инновацион фаолиятнинг самарадорлик кўрсаткичларини ошириш корхона инновацион бошқарув фаолиятининг мақсадидир.

Корхонанинг инновацион бошқарув фаолияти хизмат кўрсатиш фаолияти самарадорлигини ошириш билан узвий боғлиқ бўлиб, қуйидаги кўринишларни қамраб олади.

- ☒ хизмат кўрсатиш ва меҳнатни илмий ташкил қилиш;
- ☒ хизмат кўрсатиш ва меҳнатни механизациялаштириш, автоматлаштириш ҳамда комплекс равишдаги механизациялаштириш;
- ☒ хом ашё ва материаллар (меҳнат предметлари) замонавий турларини яратиш ва улардан фойдаланиш;
- ☒ хизмат кўрсатишни ташкил қилиш, режалаштириш ва бошқариш жараёнларида замонавий ахборот технологияларидан, ҳисоблаш техникасидан фойдаланиш ва ҳ.к.

Самарадорлик, аввало, корхона фаолиятининг сифат жиҳатларини тавсифловчи тушунчадир. У “самара” тоифасидан келиб чиқади ҳамда унга қараганда мураккаб ва комплекс тавсифга эга, яъни самара – бу кўрсатилаётган хизматда фойда ва даромад ҳажмини ошириш, хизмат таннаرخини камайтириш, сифатсиз хизмат кўрсатишни камайтириш ёки умуман, йўқ қилиш билан боғлиқ бўлган корхона фаолиятининг ижобий натижаларидир. Бу ютуқлар хизмат кўрсатиш самарасини, пул шаклида эса иқтисодий самарани тавсифлайди.

Самарадорлик эса - бу, фойдалилик, натижалиликдир. Маълумки, қандайдир натижа олиш учун меҳнат қилиш, ишлаш, маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш ва маълум миқдорда харажат қилиш керак[49].

Самарадорликни аниқлаш учун натижани шу натижага эришишга сарфланган харажатлар ёки ресурслар билан таққослаш керак. Демак,

самарадорлик ишлаб чиқариш фаолияти натижалари билан уларга эришиш учун сарфланган меҳнат, моддий ва молиявий ресурсларнинг ўзаро нисбатидир.

$$C = \frac{\text{натижа}}{\text{харажатлар}} = \frac{\text{натижа}}{\text{меҳнат, моддий ва молиявий ресурслар}} \quad (3.2).$$

Самарадорлик чора сифатида кўплаб техник, иқтисодий, лойиҳа ва хўжалик қарорларини аввалдан белгилаб беради. Корхона ўзининг хўжалик, илмий-техник ва инвестицион сиёсатини белгилашда самарадорликдан келиб чиқади.

Инновацион янгиликларни хизмат кўрсатиш жараёнида қўллаш орқали корхонанинг ташкилий-иқтисодий самарадорлигига, ижтимоий-иқтисодий самарадорлигига, меҳнат қуролларида фойдаланиш самарадорлигига эришиш мумкин. Автокорхона хизмат кўрсатиш фаолиятининг самарадорлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири бўлган хизмат кўрсатиш салоҳияти асосий ва айланма фондлар, ишчи кучидан тежамкорлик асосида, иложи борича унумлироқ фойдаланишни кўрсатиш мумкин.

Меҳнат қуроллари (асосий фондлар)дан фойдаланиш самарадорлиги маҳсулотнинг фонд сиғими ва фонд қайтими кўрсаткичлари ёрдамида аниқланади. Бунда фонд қайтими корхона асосий фондларининг бир бирлигига тўғри келувчи ишлаб чиқарилган маҳсулотни англатса, фонд сиғими эса фонд қайтимига тескари катталиқ бўлиб, янги асосий фондларни ташкил қилиш учун зарур бўлган капитал қўйилмаларни аниқлаш вазифасини бажаради.

Фонд қайтими ( $f_o$ ) ва фонд сиғимини ( $f_e$ ) аниқлаш формуласи қуйидагича:

$$\text{Бу ерда:} \quad f_o = \frac{Q}{\Phi} \quad (3.3)$$

$Q$  - маҳсулот ҳажми, қиймат пул кўринишида;

$\Phi$  – асосий ишлаб чиқариш фондлари қиймати.

$$f_e = \frac{\Phi}{Q} \quad (3.4)$$

Фонд қайтими қанчалик юқори ва фонд сиғими қанчалик паст бўлса, ишлаб чиқариш ва меҳнат қуролларидан фойдаланиш самарадорлиги шунчалик юқори бўлади ва аксинча. Машина ва ускуналардан унумли фойдаланиш, ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш ҳамда ходимлар малакасини ошириш, фонд қайтимини кўпайтиришнинг муҳим заҳираси ҳисобланади.

Меҳнат қуролларидан фойдаланиш самарадорлиги, маҳсулотларнинг материал сиғими ёрдамида сарфланган хом ашё, материал, ёқилғи, энергия ва меҳнат предметларининг умумий қийматини ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига нисбати орқали аниқланади. Унинг формуласи қуйидагича:

$$m = \frac{M}{Q} \quad (3.5)$$

Бу ерда:

$m$  - маҳсулотларнинг материал сиғими;

$M$  - маҳсулот ишлаб чиқариш ёки кўрсатилган транспорт хизматлари учун кетган моддий харажатларнинг умумий миқдори пул кўринишида;

$Q$  - ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки кўрсатилган транспорт хизматлари ҳажми, қиймат кўринишида.

Бозор шароитларида корхона хўжалик фаолияти самарадорлигининг умумлаштирувчи ёки мезон кўрсаткичи сифатида рентабеллик ёки капиталнинг даромадлилигини қабул қилиш мумкин. Бу кўрсаткич қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$R = \frac{II}{A} * 100 \quad (3.6)$$

Бу ерда:

$R$  - рентабеллик, хўжалик фаолиятининг натижасини фойда шаклида кўрсатади ва фоизларда ўлчанади;

$II$  - корхонанинг баланс фойдаси;

$A$  - авансланган капитал(асосий ва айланма).

Ижтимоий-иқтисодий самарадорлик ишлаб чиқариш самарадорлигини меҳнат шароитларини, унинг ижодкорлик мазмунини бойитиш, ақлий ва жисмоний меҳнат ўртасидаги фарқни йўқотишни инobatга олган ҳолда тавсифлайди. Ижтимоий-иқтисодий самарадорлик бир вақтнинг ўзида, ишлаб чиқариш самарадорлигини кучайтириш, корхонанинг муваффақиятли фаолият юритиши, шахснинг ҳар томонлама ривожланиши ва унинг барча қобилиятларидан фойдаланишнинг сабаб ва натижаси ҳисобланади. Бевосита ижтимоий самара, ходимларнинг билим ва малакаси, тажриба ва маданиятининг ўсиши, аҳоли соғлиғининг яхшиланиши ва умр кўришининг узайишида акс эттирилади.

Корхоналар ишлаб чиқариш фаолиятининг самарадорлигини оширишда ташкилий-иқтисодий омил яъни бошқарув муҳим ўринга эга. Унинг барча босқичлари ўзига хос меҳнатни ташкил қилиш, молиялаш, кадрлар билан таъминлаш усуллари талаб қилади ва унинг аҳамияти ишлаб чиқариш миқёсининг ўсиши ва хўжалик алоқаларининг мураккаблашиши билан ортиб боради.

Инновацион янгиликларни ишлаб чиқариш жараёнида қўллашнинг самарадорлиги ишлаб чиқариш субъектларининг иқтисодий-ижтимоий ва экологик самарадорлигининг ўсиб боришига олиб келади.

Инновацион самарадорликни қуйидаги формула орқали ҳисобланади[59]:

$$I_{\text{нс}} = \frac{I_{\text{нф}}}{I_{\text{нх}}} * 100\% \quad (3.7)$$

бунда,  $I_{\text{нс}}$  - инновацион самарадорлик, фоизда;

$I_{\text{нф}}$  - инновацион фойда, сўмда;

$I_{\text{нх}}$  - инновацион харажатлар, сўмда.

Корхона фаолиятининг самарали бўлишида ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг тури ва сифатини ошириш ҳамда жаҳон стандартлари даражасига етказиш, корхонанинг ишлаб чиқариш тузилмасини яхшилаш каби омиллар ҳам муҳим ўринни эгаллайди.

Бунга эса замонавий машина ва асбоб-ускуналар, замонавий технологиялар, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишнинг илғор усулларидадан фойдаланиш яъни корхона фаолиятида инновацион менежментни қўллаш орқали эришилади.

Автомобил транспорти ўзининг универсаллиги, эластиклиги ва ўзаро алоқадорлиги ҳамда бошқа барча транспорт тармоқларини ягона тизимга боғлай олиши билан ажралиб турувчи транспорт комплексининг таркибий қисмидир. Ҳозирги даврда деярли 95 % корхоналар, барча иқтисодий тармоқлар ва аҳоли пунктлари ўз фаолиятини автомобил транспорти ёрдамида бажаради. Бундан бошқа оптимал танловнинг ўзи ҳам мавжуд эмас.

Автотранспорт хизматлари рақобатдошлиги тўлиқ ҳолда товарлар таннархига, ишлаб чиқариш кучига, кўпчилик иқтисодий тармоқларнинг рақобатдошлиги билан чамбарчас боғлиқ. Автомобил транспорти рақобатдошлигини пасайтирувчи кўрсаткичлар автомобил йўлларининг сифати пастлиги ва секин ривожланиши ҳамда автомобиллар ҳаракатида йўлларнинг дош бермаслиги, автомобилларининг сақланиб, ушланиб қолишларининг кўпайиши, тезликнинг пасайиши, тўхташларнинг кшпайиши ва авариявий (техник носозлик) ҳолатлари кўпайиши ва бошқалар сабаб бўлмоқда.

Автобус корхоналарида сифат конкрет истеъмолчи эҳтиёжини қондирувчи хусусият ҳисобланади. Автобус корхонаси рақобатдошлигини баҳолашда қуйидаги сифат ҳарактеристикаларини инобатга олиш керак.

- Йўловчиларга юқори маданияти хизмат кўрсатиш.
- Йўлларда зарур қулайликлар яратиш.
- Йўловчиларни ўз вақтида етказиш.
- Тақдим этилган хизматлар пакетини кенгайтириш.
- Транспорт-логистика хизматлари сифатини таъминлаш.

Ташишда йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданияти кўп компонентларга боғлиқ: ташувчи обрўси, йўл ва кўчалар ҳолати, ўтказиш қобилияти, мавжуд ва иш қобилиятли қуролланиш, йўл ҳаракатининг сифатли бошқаруви, ижтимоий

сўровлар ҳолати, бепул ва имтиёзли ҳаркатланиш, шаҳар тармоғида йўловчиларни ташиш сифати ва ҳакозолар.

Транспорт хизматлар сифатини қуйидаги параметрлар орқали баҳолаш мумкин:

- ҳаракатдаги таркибнинг яроқлилигини баҳолаш, ташишлар ва кўрсатилаётган хизматлар мувофиқлиги муҳим хусусият ҳисобланади. Ташилаётган йўловчиларнинг ташиш масофаси ҳолати кўриниши амалдаги нормативларга мувофиқлигига кўра ташиш вақтини белигилаш.
- автомобил транспорт корхоналарини, ташиш усуллари ва технологияларини сифат тавсифлари юзасидан ўрганиш.
- истеъмолчи талабини тўлиқ қонириш юзасидан чора тадбирлар ташкил этиш ва уларни амалга ошириш.

Инновацияларни жорий этиш орқали автомобил транспорти корхонаси рақобатдошлигини ошириш, корхонанинг истеъмолчиларни ўз нархи, сифати ва бошқа характеристикалари билан жалб этувчи хизматларни ташкил этиши билан рақобатчилардан устун туриш имконини беради. Автомобил транспорт корхона рақобатдошли кўрсаткичларини баҳолаш усуллари асосийлари олдинги бандда кўриб чиқилган.

Рақобат муҳитини тадқиқ этиш ва тизимли таҳлил қилиш муваффақиятга эришишнинг кафолати ҳисобланади. Бунда кўпинча SWOT - таҳлилдан фойдаланилади. SWOT-таҳлил ўтказилгандан кейин инновацион фаолият муваффиқиятининг асосий омиллари қуйидаги кўрсаткичларига эришади:

1. автомобил транспорти хизмати бозоридаги улуш, фоиз;
2. хизматлар чизиғи (қийматлар миқдори);
3. ҳудуднинг умумий айланмасида хўжалик субъекти оборотининг улуши, %
4. ҳар 1000 буюртмада бўладиган носозликлар сони;
5. хизматларининг ўртача баҳоси, сўмда;
6. малакали кадрлар улуши, фоиз;

7. ҳар 1000 буюртмадан бажарилмай қолганлар сони;
8. хизматларга қўйилган устамаларнинг ўртача қиймати, фоизда.

Молиявий индикаторлар фойдалилик ва самарали стратегиянинг асосий кўрсаткичи ҳисобланади. Улар асосан 3 хил ёндашувида қўлланилади:

1. Харажатларни харажатлар билан солиштириш.
2. Харажатларни даромадлар билан солиштириш.
3. Фойдани фойда орқали солиштириш.

Биринчи ёндашувда самарадорлик мезони бўлиб уларнинг фойдаланиш даражаси ҳисобланади.

Функционал тизим самарадорлиги кўрсаткичи сифатида сифатни яхшилашга қаратилган чора тадбирлар қўллангандан олдинги ва кейинги харажатлар орасидаги нисбат ўрганилади.

Инновацион бошқарув тизими орқали бошқарувда меъёрий ёндашувнинг самарасининг муқобил кўрсаткичлари меъёрларга нисбатан оғиши мумкин бу қуйидаги ифода орқали ҳисобланади.

$$K = \frac{Z_{\phi} - Z_n}{Z_{\phi}} \quad (3.8)$$

Бу ерда:

- $K$  – меъзонлар нисбати;
- $Z_{\phi}$  – амалдаги харажатлар;
- $Z_n$  – меъёрий харажатлар.

Келтирилган инновацион жараён самарадорлиги меъзони ишлаб чиқариш сифат меъзони ва уларни амалга оширилиши орқали ҳисоб-китоб олиб борилади.

Берилган меъзонлар орқали бошқарув функциясини амалга оширишда харажатлар самарадорлигини аниқлаш мумкин. “Харажат – харажат” ёндашуви орқали стратегик ҳарактердаги фаолиятни баҳолаш мумкин. Р.А. Фатхутдинов услубиётига кўра иқтисодий самарадорлик яъни сифатни

ошириш бўйича олиб борилган инновацион жараёнидаги иқтисодисодий самара қуйидаги ифода ёрдамида аниқланади[50]:

$$\mathcal{E}_m = \sum_{t=1}^m \left[ -\Delta C_{Bx}^t + \Delta C_{np}^t + (C_n^t - C_c^t) \right] N_t - \mathcal{Z}_{ex} \quad (3.9)$$

$\mathcal{E}_m$  – кўтиляётган самарадорлик;

$\Delta C_{np}^t$  – маҳсулот таннархини тушириш қиймати;

$\Delta C_{Bx}^t$  – йил давомида таннарх ошгани сабабли ортиқча харажатлар;

$C_n^t$  – янги маҳсулот ёки хизмат баҳосини башоратлаш;

$C_c^t$  – эски маҳсулот нархини башоратлаш;

$N_t$  – шу маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажми;

$\mathcal{Z}_{Bx}$  – тизимга кириш сифатини ошириш.

Сифатни ошириш бўйича олиб борилган ишлар ва киритилган ўзгаришлар унумдорлик ва ишончлилик ошишидаги иқтисодий самара қуйидаги ифода билан топилади:

$$\mathcal{E}_m = \sum_{t=1}^m (C_t - C_t - H_t) N_t - \sum_{n=1}^m \mathcal{E}_{con}^t - \sum_{t=1}^m \mathcal{Z}_k^t \quad (3.10)$$

Бу ерда:

$t$  – фаолият вақти,  $H$  – солиқларни башоратлаш;  $\mathcal{E}_{con}^t$  – экологик ижтимоий таъсирнинг пул кўриниши;  $\mathcal{Z}_k^t$  – сифатни ошириш бўйича бир марталик харажатлар;

Йўловчи транспорти корхонасини ривожлантиришнинг шаклланган стратегиялари унинг ташкилий шаклларига мувофиқ таъминланган бўлиши керак. Бу масала ташкилий тузилмаларни қуришнинг дастурий-услубий аппарати кўринишида ишлаб чиқилади. Ушбу ташкилий тузилмалар ички ишлаб чиқариш ташкилий - хўжалик механизми, ташкилотларнинг тўзиш жараёни технологияси, бўлинмалар ўзаро алоқаси механизмини таҳлил қилишдан иборат. Автокорхонани бошқаришнинг тузилмаси корхона ташкилий тузилмалари тавсифини аниқлаш ва унинг самарадорлигини баҳолаш мураккаблигини кўрсатади. Ҳар қандай таклиф этилаётган ташкилий тузилма

самарадорлигини баҳолаш қуйидагилардан иборат. Бўлинмалар коэффициентини аниқлашда қуйидаги ифодадан фойдаланиш мумкин:

$$K_6 = \frac{K_{\text{тг}}}{O_{\text{тг}}} \quad (3.11)$$

бунда: –  $K_6$ - қисмлар коэффициенти;  $K_{\text{тг}}$ – ташкилий тузилмаларда қисмлар миқдори;  $O_{\text{тг}}$ – ташкилий тузилма қисмларининг оптимал миқдори.

Бошқаришнинг ташкилий тузилмаси самарадорлиги бўйича:

$$K_{\text{т}} = \frac{C}{X} \quad (3.12)$$

бунда:  $K_{\text{т}}$  - бошқаришнинг ташкилий тузилмаси самарадорлиги коэффициенти;  $C$  – таклиф этилаётган ташкилий тузилма ишлашидан самара.  $X$  – бошқариш харажатлари (иш ҳақи фонди, маъмурий-бошқариш харажатлари, хоналарга харажатлар, воситаларни таъмирлаш ва сотиб олиш, ахборотни қабул қилиш ва ўзатиш). Кўпгина ҳолларда ташкилий тузилманинг самарадорлиги ва ҳолати бошқарилаётган объект фаолиятини кўрсатувчи кўрсаткичлар орқали баҳоланади.

Бошқариш самарадорлиги  $Y_c$  бошқаришнинг тежамлилиги  $Y$  ни ишлаб чиқариш самарадорлиги  $I$  га нисбати кўрсаткичи билан ифодаланади.  $Y$  катталиқ  $X$  харажатларни асосий ишлаб чиқариш ва айланма фондлар қиймати  $K$  га бўлиш орқали ҳисобланади ҳамда фондларнинг бирлигини бошқариш харажатларида акс эттирилади.  $I$  – шартли соф маҳсулот ҳажми  $CM$  ни ишлаб чиқариш ходимлари миқдори  $XM$  га бўлиш орқали аниқланади ҳамда бир кишига ишлаб чиқариш маҳсулоти миқдорида акс эттирилади:

$$Y_c = \frac{Y}{I} = \frac{X/K}{CM/XM} \quad (3.13)$$

Фикримизча, инновацион бошқариш самарадорлигини аниқлаш учун энг тўғри келадиган ифода:

$$Y_c = 1 - \frac{X/S}{\Phi_M/\Phi_K}, \quad (3.14)$$

бунда:  $Ус$  – бошқариш самарадорлиги коэффициенти;

$X$  – битта ишчини бошқариш учун харажатлар;

$S$  – бошқарув ходимларининг умумий ишлаётганлар сонигаги улуши;

$к Ф$  – меҳнатни фондлар билан қуролланганлиги;

$ФК$  – фонд қайтими.

Шундай қилиб, инновация стратегиясини шакллантириш жараёни – корхона мақсадларини аниқлашдан аниқ инновацион лойиҳани ишлаб чиқишгача – ўзаро боғланган ва ички келишилган бўлиши керак. Стратегик мақсадларнинг тўғри қўйилганлиги амалга оширишнинг турли босқичларда ва уларнинг кетма-кет ҳаракати автокорхонанинг асосий мақсадга эришиш - ўзоқ муддатли истиқболда фойдани максималлаштириш ва эҳтимолли хавф-хатарларни минималлаштириш имкониятини яратади. Шу билан бирга у корхонани бошқариш тузилмаси билан инновацион ривожлантириш стратегиясининг ишлаб чиқилиши ва даромад манбаларини диверсификациялаш учун масъул бўлган таркибий тузилмалар билан боғлиқ ўхшаш ўзгартиришларни талаб этади.

### III боб бўйича хулоса.

1. Иқтисодиётнинг инновацион ривожланишини талаб этувчи бугунги шароитда шаҳар жамоат транспортида ўзини-ўзи ташкил этиш, транспорт-логистика хизматлари кўрсатиш ҳажми, турлари ва сифатини оширишни умумиқтисодий манфаатлар билан уйғунлаштирган ҳолда амалга ошириш мураккаб илмий-амалий масалалардан ҳисобланади

2. Автомобил трнаспорти корхонаси рақобатдошлиги деганда корхонанинг ва амалга ошириши, истеъмолчиларни ўз нарҳи, сифати ва бошқа тавсифлари билан жалб этувчи хизматларни ташкил этиши ҳамда шу билан рақобатчилардан устун туриши тушунилади.

3. Инновацияларни жорий этиш орқали автомобил трнаспорти корхонаси рақобатдошлигини ошириш, корхонанинг истеъмолчиларни ўз нарҳи, сифати ва бошқа ҳарактеристикалари билан жалб этувчи хизматларни ташкил этиши ҳамда шу билан рақобатчилардан устун туришини таъминлайди.

4.Транспорт хизматлар сифати ҳаракатдаги таркибнинг яроқлилигини баҳолаш, ташишлар ва кўрсатилаётган хизматлар мувофиқлиги муҳим хусусият ҳисобланади.

5.Ташилаётган йўловчиларнинг ташиш масофаси ҳолати кўриниши амалдаги нормативларга мувофиқлигига кўра ташиш вақтини белигилаш, ҳудудаги бошқа автомобил транспорт корхоналарини, ташиш усуллари ва технологияларини сифат тавсифлари юзасидан ўрганиш, истеъмолчи талабини тўлиқ қонириш юзасидан чора тадбирлар ташкил этиш ва уларни амалга ошириш. параметрлари орқали баҳоланади

6.Инновацияларни жорий этиш орқали автомобил трнаспорти корхонаси рақобатдошлигини ошириш, корхонанинг истеъмолчиларни ўз нархи, сифати ва бошқа характеристикалари билан жалб этувчи хизматларни ташкил этиши ҳамда шу билан рақобатчилардан устун туришини таъминлайди.

## Хулоса

1. Шаҳар жамоа транспорти ҳар қандай шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини ривожлантиришда зарур восита бўлиб хизмат қилади. Шаҳар жамоат транспорти ривожини умумий ривожланишдан орқада қолганда жамият ривожига тўсқинлик қилади ва транспорт воситалари тараққиёти суръатларини жадаллаштириш заруриятини вужудга келтиради.

1. Бугунги шароитда шаҳар жамоат транспортида ўзини-ўзи ташкил этиш, транспорт-логистика хизматлари кўрсатиш ҳажми, турлари ва сифатини оширишни умумиқтисодий манфаатлар билан уйғунлаштирган ҳолда амалга ошириш мураккаб илмий-амалий масалалардан ҳисобланади

2. Инновация ютуқларининг иқтисодий натижалари ишлаб чиқариш жараёнида моддий ресурсларни, маҳсулот бирлигига сарфланадиган жонли ва буюмлашган меҳнатни тежашни, киши бошига меҳнат унумдорлигининг ошиб боришини, атроф-муҳитнинг экологик жиҳатдан ифлосланиш даражасини камайтиришни таъминлашда, ишлаб чиқариш, ижтимоий соҳада банд бўлганларнинг иш ҳақи ва даромадларининг ўсиб бориши, кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш даражасини ошиб бориши ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожланиб боришида ифодаланади.

3. Инновацион бошқарув хўжалик юритишнинг алоҳида ижодкорликни талаб этадиган жараён бўлиб, унинг асосида янги имкониятларни мунтазам излаш, инновацияга йўналтирилганлик, турли-туман манбалардан доимий масалаларни ҳал этиш учун ресурслар излашни уддалаш ва улардан фойдаланиш демакдир.

4. Давлат инновацион сиёсатининг мақсади мамлакатнинг миллий инновацион тизимини шакллантириш, танлаб олинган ривожланиш стратегиясига мувофиқ унинг иқтисодий ривожланишини таъминловчи аниқ тадбир ва механизмлар яратиш, устуворликлар тизимини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан иборатдир.

5. Замонавий шаҳарларни ривожланишида шаҳар транспорт инфратузилмасининг ўрни жуда муҳим. Шаҳар автомобил йўлларининг равиш

ва қулай бўлиши шаҳар инфратузилмасининг асосини ташкил этади. Ўз ўзидан аёнки, транспорт инфратузилмаси ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти гуркираб ривожланмоқда, мамлакатга хорижий инвестицияларни жалб қилинишида ҳам мамлакатнинг транспорт салоҳияти асосий турткилардан бири бўлиб қолмоқда.

6. Бугунги кунда Тошкент шаҳрининг йўловчи транспорти тизими таркибида 108 та автотранспортда ва 4 та электр транспортида йўловчи ташиш корхоналари, 20 та инфратузилма корхоналари фаолият кўрсатмоқда.

7. Йўловчи ташиш тизимида хизмат кўрсатишни янада такомиллаштириш, барча мулкчилик шаклидаги йўловчи ташувчилар ўртасида ошкора рақобат учун қулай шароит яратиш, кўрсатилаётган хизматларнинг сифат стандартларига мос бўлиши ва йўналишларда ҳаракат жадвалларига риоя этиш даражасини ошириш, йўловчи транспорти ходимлари моддий манфаатдорлигини кучайтириш, ноишлаб чиқариш ва маъмурий-бошқарув харажатларини камайтириш бугунги кунда транспорт тизими олдида турган асосий масалалардан биридир.

8. Республикамизда амалга оширилаётган кенг қамровли ижтимоий-иқтисодий ислохотлар бугунги кунда хўжалик субъектлари томонидан бошқарув тизимини замонавий механизмлар асосида такомиллаштиришни талаб этади. Бу эса, бошқарувнинг барча бўғинларида бозор муносабатларининг тамойилларига асосланган хўжалик юритишнинг янги замонавий усулларига секин-аста ўтиш зарурияти билан асосланади.

9. Шаҳар йўловчи транспортида инновацион стратегияни шакллантиришнинг услубий асослари янги вазифалар турли поғонадаги бошқарув тизимлари ва иштирокчилари ўртасида янгича алоқалар тизимини жорий этишни талаб этади. Қўйилган вазифаларни бажарилишига эриши учун: мавжуд бошқарув тизимининг инновацион лойиҳаларни амалга оширишга мувофиқлигини аниқлаш, бошқарувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлаштириш, молиявий ва ахборот оқимлари мутаносиблигини таъминлашни талаб этилади.

## **Фойдаланилган адабиётлар**

### **I. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни**

1. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелдаги «Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида»ги Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 29 июндаги «Автомобил йўллари тўғрисида»ги Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августдаги «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуни.
4. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августдаги “Шаҳар йўловчилар транспортдан бепул фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида”ги Қонуни.

### **II. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари**

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 21 декабрдаги «2011 — 2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-1446-сонли қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 августдаги “Фан ва технологиялар ривожланишининг мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-436-сонли қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июльдаги “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги 916-сонли қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 20 майдаги “Инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 144-сонли қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси ВМнинг 1998 йил 11 июлдаги “Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигини ташкил этиш тўғрисидаги” 296-сонли қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги «Тошкент шаҳрида йўловчи транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» ги 3713 сонли фармони.

### **III. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари ва маърузалари**

12. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир.–Т.: “Ўзбекистон”, 2010. –80 б.
13. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. – Т.: Ўзбекистон, 2007. – Б. 48.
14. Каримов И.А. Барқарорлик ва ислохотлар. Мақолалар ва маърузалар – М.: Палей, 1996. – 542 б.
15. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.: Ўзбекистон, 2009.-56 б
16. Президентимиз И.А.Каримовнинг 2012-йилнинг асосий якунлари ва 2013-йилда Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузалари

### **IV. Илмий адабиётлар**

17. Автомобил ва дарё транспортини давлат томонидан бошқариш, тартибга солиш ва назорат қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами . Тошкент – 2008.

18. Ансофф И. Стратегическое управление Москва-1989-23 ст.
19. Бородин В.А. Стратегия управления инновационной фирмой.- Новосибирск: ЭКО, 1996.- 238 б.
20. Бусыгин А.В. Предпринимательство: Учебник для вузов.-М.: Дело, 2001.- 176 б.
21. Бирман Г. Экономический анализ инвестиционных проектов. Перевод с англ. Л.П.Белых.-М.: Банки и биржи, ЮНИТИ, 1997.- 632 б.
22. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар: Ўқув қўлланма- Т.: Молия, 2010.- 328 б.
23. Dodgson M. The management of technological innovation: An international and strategic approach. – Oxford University Press, 2000,
24. Друкер П.Ф. Практика менеджмента. Санкт-Петербург: Москва, 2000.- 278 б.
25. Джабаров Т.О., Додобоев Ю.Т., Усманов С.Н. Инвестиционный анализ, проект, политика: Учебное пособие.-Фергана: 1998.- 208 с.
26. Дафт Р. Менеджмент Питер-2008, 26-ст
27. Ирисбекова М.Н. Транспорт хизматлари бозорининг рақобат устунликларини таъминлашни маркетинг механизмлари. – Т.: “Fan va texnologiya”, 2012. – 180 б.
28. Икромов М., Автотранспорт воситалари сервиси.1-қисм Тошкент-2010.
29. Ильенкова С. Д. Инновационный менеджмент. Учебник / - М.: Юнити, Москва 1997 г.
30. Кадиров А., Турсунов А.М. Совершенствование инвестирования в малый бизнес.-Т.: ТГТУ, 2005.- 88 с.;
31. Котлер Ф. Основы маркетинга М-2008
32. Крылов Э.И., Журавкова И.В., В.М.Власова. Анализ эффективности инвестиционной инновационной деятельности предприятия.-М.: Финансы и статистика, 2001.- 8 б.

- 33.Қосимов Г.М., Ж.П.Нарзиев. Стратегическое планирование развития предприятий транспорта. Конспект лекций. Тошкент, ТАЙИ, 2000й.
- 34.Масленникова Н.П., Желтенков А.В. Менеджмент в инновационной сфере. М.: ИД ФБК-ПРЕСС, 2005 г., с. 56.
- 35.Маренков Н.Л. Инвестиции для студентов вузов.-Ростов-на-Дону: Феникс, 2004.- 103 б.
- 36.Махкамова М.А. Инновационный менеджмент: Методическое пособие.-Т.:ТГТУ, 2002.- 58 б.
- 37.Медынский В.Г Шаршукова Л.Г. Инновационное предпринимательство: Учебное пособие.-М.: ИНФРА-М, 1997.- 238 б.;
- 38.Молодцова Р.Г. Инвестиции и инновации в концепции экономического роста: Научное издание.-М.: РЭА, 1997.;
- 39.Месси Д., Квинтас П. ва Уилд Д «Трансфер технологий и эффективная реализация инноваций», 1999, б.154.
- 40.Морозов В.В. Стратегическое инновационное управление в элетроэнергетике.-М.: Альфа-принт, 2004.- 280 б.;
- 41.Мелкумов А.С. Экономическая оценка эффективности инвестиций.- М.: ДИС, 1997.; 26 с.;
- 42.Нарзиев Ж.П., О.С.Турсунов. Инновацион менежмент. Услугий кўлланма. Тошкент, ТАЙИ. 2006 й.
- 43.Нарзиев Ж.П “Стратегик ва инновацион менежмент” ўқув кўлланма Тошкент -2001 56-б
- 44.Саматов Г.А. и др. Инновационное развитие автомобильного транспорта. – Т.:
- 45.Саидов М.Ҳ. Олий таълим иқтисодиёти, инвестициялари ва маркетинги: Ўқув кўлланма-Т.: Молия, 2003.- 74 б.;
- 46.Самарходжаев Б. Инвестиции в Республике Узбекистан.-Т.: Академия, 2003.- 240 с.;

47. Cooke Ian, Mayers P. Introduction to Innovation and Technology Transfer Boston: Artech House, Inc., 1996
48. Саидов М.Х. Олий таълим иқтисодиёти, инвестициялари ва маркетинги: Ўқув қўлланма.-Т.: Молия, 2003.-74 б.
49. Сотиволдиев А., Муфтайитдинов Қ.Х. Иқтисодиёт назарияси: таянч иборалар ва тушунчалар.-Т.: ТошДТУ, 2003.-49 б.
50. Фатхутдинов Р.А. Инновационный М- Бизнес-школа «Интел-Синтез», 1998
51. “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2011. – 256 с.,
52. Хўжаев Б.А. Автомобилларда юк ва пассажирларни ташиш асослари: Олий ўқув юртларнинг транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш (автомобил транспорти) бакалаврият йўналиши талабалари учун дарслик. Қайта ишланган, тўлдирилган 3-нашри. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – 240 б.
53. Хучек М. Инновации на предприятиях и их внедрение.-М.: Луч, 1992.;
54. Гуломов С.С. Инвестицияларнинг лойиҳавий таҳлили: Ўқув қўлланма-Т.: ТДАУ, 1998.- 314 б.;
55. Шаршукова Л.Г. Инновационное предпринимательство: Учебное пособие.-М.: ИНФРА-М, 1997.- 238 б.;
56. Шумпетер И. История экономического анализа П-2004

#### **V. Диссертация ва диссертацияларнинг авторефератлари**

57. Исмоилов К.К. Инвестиционный рынок Узбекистана и пути его совершенствования. Автореферат дис. к.э.н.-Т.: 2003.- 24 с.
58. Абдуллаев Б.А. Инновацион фаолиятининг бошқарувини такомиллаштириш, и.ф.н.диссертацияси.-Т.: Андижон, 2002.- 149 б.;

59.Г.А. Саидова, Ш.С. Атаханова “Инновация лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва бошқариш усуллари” “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 5, июль, 2012 йил, 1-б

## **VI. Статистик маълумотлар, тўпламлар ва ҳисоботлар**

- 60.Сборник нормативно-правовых документов по государственному управлению, регулированию и контролю автомобильного и речного транспорта. Узбекское агентство автомобильного и речного транспорта, Ташкент, изд. «Сано-Стандарт» 2006.-415 с.
- 61.Транспорт и связь в Узбекистане 2010. Статистический сборник. – Ташкент, 2010. – 92 с.

## **VII. Интернет сайтлари**

- 62.[www.stat.uz](http://www.stat.uz) – сайт Государственного Комитета Республики Узбекистан по Статистике.
- 63.[www.edu.uz](http://www.edu.uz) – сайт Министерства Высшего и Среднего специального образования Республики Узбекистан.
- 64.[www.cer.uz](http://www.cer.uz) – сайт Центра экономических исследований.
- 65.[www.review.uz](http://www.review.uz) – сайт журнала «Экономическое образование».